Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 14 июнь, сешанба № 102 (21.706). Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИНГБУЛОҚ КОНИНИ ЎЗЛАШТИРАЁТГАН НЕФТЧИЛАР ЖАМОАСИГА

ТАБРИГИ

Қадрли дўстлар!

Куни кеча Мингбулоқ кони қудуқларидан саноатбоп нефть маҳсулотининг дастлабки оқими чиқа бошлагани ҳақидаги хушхабар ҳаммамизни мамнун этди.

Ёқилғи-энергетика маҳсулотлари халқ хўжалиги тараққиётида беқиёс аҳамиятга эга. Бинобарин, мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ҳар томонлама юксалтиришда Мингбулоқ нефть конининг алоҳида ўрни ва мавқеи борлиги табиийдир. Шу боисдан ҳам халқимиз бу улкан хазинага, унинг хазинабонларига умид ва ишонч кўзини тикиб турибди. Ана шу ишонч масъулиятини теран англаган Мингбулоқ конининг кўп минг кишилик байналмилал жамоаси Ватан тараққиёти йўлида шижоат ва жонбозлик билан меҳнат қилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Сизларнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган машаққатли меҳнатингиз, ақл-заковат ва иродангиз самарасидан бутун халқимиз баҳраманд бўлажак. Бу эзгу хизматингиз учун сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз биродарлар!

Она Ўзбекистонимиз замини беҳисоб бойликлар маконидир. Бу моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни халқимиз ва келажак авлодимиз фаровонлиги, бахт-саодати йўлида хизмат қилдириш — ҳар биримизнинг муқаддас Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир. Бу улуғ мақсадни амалга оширишда ҳар қайси юртпарвар фуқаро учун миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ягона Ўзбекистон халқини ташкил этадиган оға-иниларимиз, опа-сингилларимизнинг баҳамжиҳат ҳаёт кечириши учун бугун биз эришган ютуқ — мамлакатимиздаги ўзаро бирдамлик ва аҳиллик ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Тинчлик, тотувлик, сабр-қаноат бор жойда албатта файзу барака бўлади. Шубҳа йўқки, Мингбулоқдаги нефть хазинаси ҳам айни шу олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

Сизларнинг барчангизга яна бир карра ташаккур айтиб, ишларингизга ривож, хонадонларингизга осойишталик, бахту саодат тилайман.

Тошкентдаги «Шарқ гули» фабрикаси жамоаси халқимизнинг бадиий-амалий ҳунармандчилиги анъаналарини тиклашдек эзгу ниятда меҳнат қилишаётир.

Корхонанинг қўли гул чеварлари хом ашё таъминотидаги қийинчиликларга қарамай барқарор фаолият кўрсатишаяпти. Эндиликда фабрика маҳсулотлари хориждликларни ҳам қизиқтириб қолди.

СУРАТДА: илғор тикувчилар Марҳамат Бойматова ва Дилбар Ёқубова тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Е. М. ЎЗБЕКОВНИ (марҳум) «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини қўриқлашда кўрсатган мардлик ва жасорати учун капитан Ермек Мирзакеримович Ўзбеков «Жасорат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 июнь

* * *

Ермек Мирзакеримович Ўзбеков 1964 йилда туғилган, Алматидаги олий чегара командирлари билим юртини тугатган. 1986 йилдан бошлаб чегара қўшинларида чегара заставаси бошлиғининг ўринбосари, застава бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. Билимдон, иродали зобит сифатида танилди. Давлат чегарасини қўриқлашни ташкил этишда етарли тажриба орттирди, чегарани бузиб ўтишга уринишнинг олдини олишда бир неча бор шахсан иштирок этди.

«Қизил Юлдуз» ордени, «Давлат чегарасини қўриқлашдаги намунаси учун» медали, I ва II даражали «Чегара қўшинлари аълочиси» нишонлари билан мукофотланди.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган пайтдан бошлаб у энг яхши чегара заставаларидан бирига бошчилик қилди. 1994 йилда сўнгги вақтда давлат чегараси энг кўп марта бузилган қийин участкага ўтказилди. Ермек билан бирга унинг рафиқаси ва икки ёш фарзанди ҳам заставага борди.

Капитан Ўзбеков 1994 йил 23 февралда чегара соқчилари таркибида 2-чегара заставасининг участкасини айланиб юриб, шахсан ўзи чегара бузувчини қўлга туширди. Чегарани бузувчилар билан ҳарбий тўқнашув натижасида капитан Ўзбеков оғир жароҳатланди ва ҳалок бўлди.

Мустақил Ўзбекистон давлат чегарасини қўриқлашдаги хизматлари учун ва бунда шахсан мардлик ҳамда жасорат кўрсаттани учун Ермек Мирзакеримович Ўзбековга вафотидан сўнг майор ҳарбий унвони берилди. У «Жасорат» медали билан мукофотланди.

*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТ НЕГА ОҚСАЯПТИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг иккинчи мажлисида қишлоқда ислоҳотни, қайта ўзгартириш жараёнларини тезлаштириш мақсадида ҳамда бу борадаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи махсус комиссия тузилган эди. Ана шу комиссия Бухоро вилоятида бўлди. Вилоят ҳокимлигида комиссия текшируви якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди. У вилоятда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, хусусийлаштиришни жадаллаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилаётганига қарамай, бу соҳада талай камчиликлар мавжудлиги, уларни бартараф этиш йўллари хусусида тўхталди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги қарорларининг бажарилиши талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Айрим хусусий фермалар, деҳқон (фермер) хўжаликларига ер ажратишда, шунингдек ажратилган ерлардан самарали фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Шофиркон туманидаги «Чашма» деҳқон (фермер) хўжалигига Жилвон чўлидан икки гектар ер ажратиб берилган. Бироқ суғориш қийинлиги сабабли бу ерга ҳанузгача экин экилмаган. Вобкент туманидаги «Шўрча» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Козим» фермер хўжалигига ер бериш тўғрисидаги масалани узоқ вақт туман ҳокимлиги ҳал этмаган.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусий фермалар билан тайёрлов ташкилотлари ва маҳсулотни қайта ишлаш заводлари ўртасида шартнома имзоланган бўлса-да, уларга амал қилинмаяпти. Жумладан, Вобкент туманидаги «Чорвадор» хусусийлашган фермаси Бухоро сут комбинатига топширган 20,5 тонна, Ғиждувон туманидаги Муқимий номли ҳиссадорлик жамияти топширган 65 тонна сут учун шу вақтгача ҳақ тўланмаган.

Чорвачиликка ихтисослашган ҳиссадорлик уюшмалари, фермер хўжаликларида ҳисоб-китоб ишларининг яхши йўлга қўйилмагани, солиқларнинг ўз вақтида тўланмаётгани, тегишли назорат йўқлиги сабабли етиштирилган маҳсулот ва олинган даромадларни яшириш ҳоллари ҳам учрамоқда. Ромитан туманидаги «Боғи Турон» ҳиссадорлик жамияти иссиқхонасида етиштирилган 95 миллион сўмлик маҳсулот талон-торож қилингани аниқланди.

Жойларда иқтисодий ўқув яхши ташкил этилмагани сабабли айрим раҳбарлар ишни нимадан бошлашни билмайди. Акциялар нега зарурлиги тўғрисида аниқ тушунчага эга эмас. Кўпгина раҳбарлар ҳамон эскича иш услубидан воз кечолмаяпти.

Йиғилишда Шофиркон, Бухоро, Пешку ва Қоракўл тумани ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов қишлоқ хўжалигида ислоҳотни амалга ошириш борасида комиссия аниқлаган жиддий камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш юзасидан зарур чоратадбирлар кўрилажагини айтди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, В. Чжен қатнашди.

(ЎзА).

• *ДОЛЗАРБ МАВЗУ*

СОЛИҚ БОРАСИДАГИ ҚОНУНЛАР— БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ДАСТУРИ

Иқтисодиётдаги бозор муносабатларини тартибга солиш воситаларини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга, истеъмол бозорини барқарорлаштиришга ва пировард натижада халқ фаровонлигини оширишни таъминлашга, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига қаратилган чора-тадбирлар тизимида давлатнинг тўғри солиқ сиёсати алоҳида ўрин ва аҳамиятга эга бўлади. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида солиқлар, йиғимлар, бож тўловлари ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўғри, тўла-тўкис топшириш республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ҳал қилувчи омиллардан бирига айланмоқда.

Бу ишда қонунийликни таъминлаш, солиқ ва бож қонунлари ижросини ва уларга риоя этилишини назорат қилиб бориш — бевосита республика прокуратураси идоралари ҳамда Солиқ давлат қўмитаси бўлинмалари зиммасига юкланган. Газетхонлар эътиборига ҳавола этилаётган мазкур мақола солиқ, солиқ сиёсати ҳамда ўз иқтисодий ўзгартишлар йўлини танлаб олган давлатлар тажрибаси тўғрисидаги ғоят долзарб ва муҳим мавзудаги мақолалар туркумини бошлаб беради.

* * *

Мазкур масалада республика солиқ хизмати бўлинмалари, прокуратура идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йилнинг охирида ва шу йилнинг бошида чиқарган «Савдо корхоналари ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги текширишларни тартибга солиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бож қонунларига риоя этилишини назорат қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат Бош солиқ бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Солиқ давлат қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ давлат қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари ҳақида»ги қарори ташкил этади. Мусаммонинг ниҳоятда муҳимлиги таъкидланган бу ҳужжатларда давлат солиқ хизматининг амалдаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боришга доир вазифалари ва ваколатлари белгилаб берилган, қонунларни бузганлик учун қаттиқ жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Солиқ давлат қўмитаси ўз зиммасига юкланган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун прокуратура, ички ишлар идоралари, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда махсус чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди ва улар амалга оширилмоқда.

Республика Президенти, раҳбарияти бу масалада ўтказаётган сиёсатнинг тўғрилиги ва асослилигини, ўртага қўйилган вазифаларнинг муҳимлиги ва долзарблигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бироқ, солиқ ҳақидаги қонунларга оғишмай риоя қилиш зарурлигини давлат корхоналари ва муассасалари, шунингдек мулкчилик шакли бошқача бўлган корхона ва муассасалар раҳбарлари, шунингдек ишбилармонлик ва якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг ҳаммаси ҳам тушуниб етмаяпти. Даромадларни ҳисобга олиш тартибини бузиш ҳисобига ва турли найранглар воситасида олинган даромадларни яшириш йўли билан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қутулиб қолишга уринаётганлар ҳали ҳам кўп. Бундай кишилар давлатга жуда катта иқтисодий зарар етказаётганини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Йил бошидан буён 16735 ташкилот, корхона ва муассасада текшириш ўтказилган бўлса, шундан 5642 тасида солиқ қонунларини бузиш ҳоллари аниқланди. Қонунни бузганлик учун ўн минг нафарга яқин мансабдор шахс жавобгарликка тортилди. «Ўзбинокорликматериаллари» Давлат концерни бўлинмаларининг ўзидагина март-апрель ойларида ўтказилган текширишлар натижасида давлат бюджетига қўшимча равишда 1 миллиард 140 миллион сўм ўтказилди. Бухоро қоракўл заводи ҳам текширишда аниқланган далиллар асосида республика бюджетига яна 1 миллиард сўмдан кўпроқ пул ўтказишга мажбур бўлди.

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги «Дилшод» кичик корхонасида 1,3 миллион сўмдан кўпроқ даромад беркитилгани аниқланди. Қонунни бузганлиги учун корхона раҳбари жавобгарликка тортилди. Афсуски, бундай ҳоллар мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарда аниқланмоқда.

Республика қонунида даромадлар солиқ тўлашдан такроран яшириб қолинган тақдирда ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчиларига нисбатан жиноий иш қўзғатилиши кўзда тутилган. Шунга қарамай, бундай ҳоллар такрорланмоқда. Андижон автокорхонасининг директори Ж. Раҳматжонов даромадларни солиқ тўлашдан яширгани учун ўтган йилнинг декабрида маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Бироқ шу йил май ойида ўтказилган текширишда у яна 14 миллион 408 минг сўм даромадни солиқ тўлашдан яширгани аниқланди. Бунинг учун Ж. Раҳматжоновга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятининг Гурлан тумани ҳалқ суди пойабзал фабрикасининг бош ҳисобчиси С. Машариповга энг кам миқдордаги иш ҳақининг 50 баравари ҳажмида жарима солди. У бир йилда ҳақиқий даромадларини солиқ тўлашдан икки марта яширган эди. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги «Тўлқин» масъулияти чекланган жамиятнинг бош ҳисобчиси солиқ ундириладиган даромадни иккинчи марта камайтириб кўрсатгани учун бир йил ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди. Шу йилнинг ўзида солиқ идоралари прокуратура ва ички ишлар идораларига солиқ борасидаги қонунларни бузиш ҳоллари юзасидан 400 та материал жўнатди. Бу материаллар юзасидан 296 та жиноий иш қўзғатилди.

Якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар амалдаги қонунларга риоя этишидаги аҳвол, бозор иқтисодиёти ёрдамчи тармоқларининг ривожланиши, мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг авж олиши муносабати билан шу тоифадаги солиқ тўловчиларнинг бир қисми ғайриқонуний ҳаракатларни кучайтириб юборгани ташвиш туғдирмай қолмайди.

Солиқ идоралари йил бошидан буён ана шу тоифадаги 32892 солиқ тўловчини текширди. 19616 ҳолда фуқаролардан солиқ ундириш тўғрисидаги қонун ва йўриқномаларнинг бузилгани аниқланди. 18724 киши маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шаҳар солиқ бошқармаси 7—8 июнь кунлари Тошкентнинг Қўйлиқ ва Олой бозорларида ўтказган текшириш чоғида солиқ борасидаги қонунлар 53 марта бузилгани аниқланди. Қонунбузарларга 11,5 миллион сўм миқдорида жарима солинди. Улардан ғайриқонуний равишда сотилаётган 57 миллион сўмлик дори-дармон, олти минг қути сигарет ва 8,5 минг шиша чанқовбости ичимлари тортиб олинди.

Булар — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари ва солиқ хизматлари мазкур йўналишда қилаётган ишларнинг бир қисми, холос. Айни пайтда уларнинг фаолиятида ҳал этилмаган масалалар, нуқсонлар мавжудлигини ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганини эътироф этиш керак. Шу муносабат билан прокуратура ва солиқ идоралари камчиликларини тугатишга ҳамда солиқ ҳақидаги қонунлар соҳасидаги ижрочилик ишларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чораларни кўрмоқда.

Масалан, тўпланган тажрибани ўртоқлашиш юзасидан амалий учрашувлар, семинарлар мунтазам ўтказиб турилибди. Прокуратура идоралари солиқ хизматлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширган материалларнинг кўриб чиқилиши устидан назоратни кучайтирди. Шу материаллар юзасидан қўзғатилган жиноий ишлар муддатида, тўла-тўкис кўриб чиқилиши устидан қаттиқ назорат жорий этилди. Йилнинг ҳар чорагида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилган материаллар қиёслаб текширилади, уларни ҳал этиш натижалари таҳлил қилинади.

Прокурор назоратининг аҳволи ва республика Президенти фармонини бажаришга доир вазифалар, шунингдек, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятидаги нуқсонлар, қонунийликни бузиш ҳоллари республика Прокуратураси ҳайъатининг Давлат солиқ қўмитаси масъул ходимлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган мажлисида махсус муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳайъат қарори асосида буйруқ чиқарди. Бу буйруққа мувофиқ ўз хизмат вазифаларини қониқарсиз бажаргани учун шаҳар ва туман прокурорларидан уч киши вазифасидан бўшатилди. Ҳайъат қарорига асосан вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри прокурорлари солиқ ҳақидаги қонунлар ижросини етарли таъминлай олмаган бир қанча ходимларни қаттиқ интизомий жавобгарликка тортди.

Солиқ давлат қўмитаси ҳам ана шундай қаттиқ чоралар кўрди. Натижада вилоят, шаҳар ва туман идораларининг айрим раҳбарлари ишдан четлаштирилди.

Йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, солиқ ва бож қонунларини бузишга қарши самарали кураш олиб бориш учун республика Прокуратураси ва Давлат солиқ қўмитаси маҳаллий бўлинмаларга биргаликда ҳаракат қилишни кучайтириш ва солиқ ҳамда бож қонунларини бузганлик тўғрисидаги материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топшириш ҳақида қўшма кўрсатма юборди. Мазкур масалалар ҳозир иккала маҳкама раҳбарларининг доимий диққат марказида турибди.

С. МИРСАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари.

Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

(ЎзА).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ОНА ВАТАН КЕЧА БУГУН ЭРТАГА



ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

● Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн бешинчи сессияси якунлари ва Президент Ислом Каримов нутқида ўртага қўйилган вазифалар асосида вилоят иқтисодий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Қ. Обидов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда эришилган муайян ижобий силжишларни қайд этиш билан бирга деҳқон (фермер) хўжаликлари, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларга таълим ва тарбия бериш ишларини яхшилаш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Таълим ҳақидаги Қонуни асосида вилоятда шу соҳани ислоҳ қилишнинг аҳволи тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев сўзга чиқди.

НЕФТЧИҚА БОШЛАДИ

● Шу йил 12 июнь куни Наманган вилоятидаги Мингбулоқ нефть конида 5222—5262 метр чуқурликдан нефть чиқариб олина бошланди.

Дастлабки қудуқдан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан бирга бошқа қудуқларни қазиш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

ПИЛЛАКОРЛАР МЕҲНАТ ЗАФАРИ

● Республика мустақиллигини шарафли меҳнатлари билан мустаҳкамлашга қатъий қарор қилган Бухоро вилояти пиллакорлари давлатга пилла сотиш йиллик режасини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 2750 тоннадан ортиқ сифатли «қумуш тола» етказиб берилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 55 килограммдан ҳосил олинди.

Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида қумуш тола ижодкорлари саросимага тушмай вақтдан унумли фойдаландилар. Натижада 53500 қути ипак қурти агробиология талаблари асосида парваришланди. Йиллик режанинг уддаланишига Когон, Олот, Ромитан, Пешку, Ғиждувон, Бухоро, Жондор, Шофиркон туманлари пиллакорларининг ҳиссаси айниқса катта бўлди.

ОЗОДАЛИК КУНЛАРИ

● Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган «Саломатлик ва экология» ўн кунлигида 233 минг киши ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишларида қатнашди.

Шанбалик ташкил этилиб, ишлаб топилган 134 миллион сўм маблағ «Экосан» хайрия жамғармасига ўтказилди.

АНДИЖОНДА ҒАЛЛА ЎРИМИ

● Избоскан туманидаги «Пойтуғ» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб ғалла ўримига киришди.

604 гектар майдондаги буғдой ва бошқа дон ҳосилини 10 иш кунида тез ва соз йиғиштириб олиш учун техника ва транспорт воситалари сафарбар қилинди.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ГАЗЕТАСИ — 20 ЕШДА

● «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталари чиқа бошлаганига 20 йил тўлди.

Шу муносабат билан тантанали йиғилиш бўлди. Унда вилоят ҳокими А. Тошкенбоев сўзга чиқиб, мазкур газеталарнинг вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш ишига қўшаётган ҳиссаси, ҳозирги кунда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Чўлқуварлар нашри ижодкорларидан бир гуруҳига қимматбаҳо совға ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ

● Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма ва комедия театрида таниқли ёзувчи Машраб Бобоевнинг уч авлод тақдири ҳақида баҳс юритувчи «Чироқ ёниқ турсин!» асари намойиш этилди.

Уни театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Равшанов саҳналаштирди.

Спектакль театр мутахассислари ва жамоатчилиқда яхши таассурот қолдирди.

(Мухбирлар, ЎзА ва хатлар асосида тайёрланди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ХДП: котиблар иш тажрибасидан

Масъулият, интизом ва ишбилармонлик бор жойда муваффақият бор. Буни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Нурота туман кенгаши мисолида ҳам кўриш мумкин. Кенгаш биргина аъзолар сони ва сифати жиҳатидан эмас, балки омма билан ҳамнафаслиги, ташаббускорлиги, ташкилотчиликка даъваткорлиги билан ҳам Навоий вилоятидаги нуфузли ташкилотлардан бири саналади.

Айни пайтда кенгашда етмиш битта бошланғич ва тўқизта ҳудудий партия ташкилоти бўлиб, уларда 1986 нафар ХДП аъзоси фаолият кўрсатяпти. Кейинги икки ой давомида қирқдан ортиқ фидокор, тадбиркор ёшлар партия сафига қабул қилиндилар. Худди шу муваффақиятлар мезони боис яқинда мухбиримиз Нуротада бўлиб, ХДП туман кенгашининг биринчи котиби Бегмат ЖУМАЕВ билан суҳбатлашди.

ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

— Биз кўп ҳолларда ХДПнинг обрўси, мустақил Ўзбекистонда тутган ўрни, етакчилик мавқеи хусусида гапирамиз. Шундай экан, унинг вазифалар кўлами ҳам кенг. Айтингчи, шу кеча-кундузда туман кенгаши қай тартибда ишлаяпти?

— Ҳозир биз асосий диққат-эътиборни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси материаллари ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар ҳақида»ги Қонунни пухта ўрганишга қаратганмиз. Шунингдек, юртбошимизнинг одилона сиёсатини, хайрли фармонларини амалга оширишда камарбастамиз. ХДПнинг амалий Дастури ва Низомидан келиб чиққан Миллий истиқлол мафкураси ҳам мазмун ва моҳияти жиҳатидан Президентимиз олиб бораётган сиёсатга ҳамоҳангдир. Шундай экан, бугунги ишимиз мезони республикамиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш, уни омма онгига сингдиришдан иборат. Назаримда, бозор муносабатлари, мустақилликни мустаҳкамлаш, хориж билан шерикчилик қилиш, хусусийлаштириш ҳамда фермерчиликни бутун чоралар билан ривожлантириш йўлидаги хатти-ҳаракатлар шу кеча-кундуздаги амалий ишимиз бўлмоғи керак. Айниқса, юртбошимизнинг туб иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тўрачилик, буйруқбозлик сингари иллатларга муросасиз бўлмоқлик хусусидаги даъватларига лаббай, деб жавоб беришимиз зарур.

Шундай экан, жойлардаги ҳокимликлар сингари партия кенгашлари ҳам ташаббусни ўз қўлларига оладиган, хусусийлаштириш, ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл очиб берадиган вақт келди. Шу мақсадда кенгашимиз фаоллари тумандаги «Тиқанли», «Янги турмуш», «Қадоқ» қишлоқларида ҳамда «Ўзбекистон» давлат хўжалиги ферма ва отарларида бўлишиб, амалий учрашувларни бошлаб юборишди. Жойлардаги учрашув, юзма-юз мулоқотларда аҳоли Президентимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, ишимизга хайрихоҳлик билдирмоқда.

— Гап фақат учрашув ёки мулоқотларда эмас, албатта. Айтингчи, туманда хусусийлаштириш, кичик ва қўшма корхоналар очиш, фермерликни йўлга қўйиш қай аҳволда? Бу ўринда ХДП туман кенгашининг ёрдами сезиляптими?

— Туманимиз ҳудудида Самарқанд «8 Март» тикувчилик бирлашмаси ва Бухоро қоракўл заводининг филиаллари ишлаб турибди. Уларга кўплаб уйда ўтириб қолган хотин-қизлар жалб этилган. Бундан ташқари, қоракўл теридан пальто, телпак, қўй жунидан кигиз ва рўмол ишлаб чиқариш кичик корхоналарини ҳам очдик. Натижада ўзимиз ишлаб чиқарган чорва маҳсулотларининг аксарият қисмини ўзимиз қайта ишлашни ўзлаштириб олдик. Яна бир қувончли томони шуки, молиявий аҳволни ўнглаш мақсадида бевосита кенгаш ҳузурида қўйчилик ёрдамчи хўжалиги ҳамда «Матлуба» тикувчилик кичик корхонаси ташкил этдик. Ҳозир ёрдамчи хўжаликларимизда икки юздан зиёд қўй боқилаётган бўлса, тикувчилик корхонасида ўнлаб турдаги кийимкечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, Охунбобоев номли, «Нурота», «Қизилча» давлат хўжаликларида ҳам давлат мулкини хусусий мулк тарзида фуқароларга бериш, кичик корхоналар очиш, фермерликни ривожлантириш жадал суръатда олиб бориляпти. Бу ўринда мазкур хўжаликлардаги Баҳриддин Узоқов, Маҳмуд Искандаров, Ғамариддин Ёрмонов, Мардон Ялғашев сингари ташаббускор ҳудудий партия ташкилотлари котибларини фахр билан тилга олиш мумкин.

Яна шундай заҳматкаш кенгашимизга кўмакдош бўлган партия фаолларимиз борки, улар ҳамиша одамлар орасида. Бундайлар сирасига уруш фахрийси Турсунқул Эргашев, туман халқ таълими бўлими мудири Абдуаҳад Расулов, 475-кўчма механизациялашган автокорхона бош муҳандиси Акрам Қувондиқовларни қўшиш мумкин. Масалан, халқ таълими бўлими мудири А. Расуловнинг амалий ёрдами билан 600 нафардан зиёд партия аъзоси бўлмиш ўқитувчиларнинг аксарияти зиммасига тарғибот-ташвиқот ишлари партиявий топшириқ тарзида юклатилган. Бу эса сессия материалларини тарғиб қилишда, Миллий истиқлол мафкурасини халққа етказишда, сайловлар бўйича тушунтириш ишларини йўлга қўйишда қўл келмоқда.

— Сизнингча, қандай йўл тутсак, ХДП обрўси янада ошади? Бу ўринда халқ билан яқинликнинг ўзи кифоями?

— Яна такрор айтаман: ҳар бир сиёсий партия учун обрўйни ҳам, нуфузни ҳам амалий хатти-ҳаракатлар, ташаббускорлик белгилайди. Чинакам демократик партия бўлиш учун одамларни ишонтириб, эргаштириб, тўғри йўлга бошлаб бора олиш лозим. Бунинг учун эса биздa чуқур билим, қобилият ва, энг муҳими, бурчга, вазифага нисбатан масъулият бўлмоғи жоиз. Кўп ҳолларда кўраман: вилоят кенгаши ижроия бюросида ҳам, пленумларида ҳам ишимизга аъзолар сони ва молиявий аҳвол, бадаллар тушуми жиҳатидан баҳо берилади. Бу ҳам ўз ўрнида керак, албатта. Бироқ, озгина созгина майлидан келиб чиқадиган бўлсак, сафимизда ҳалол, виждони пок, мансабга муккасидан кетмаган ёшлардан қанча кўп бўлса, ишимиз шу қадар олға босади. Кимки, ихтиёрий равишда ва онгли муносабатда, халқ ишига бел боғлаб, сафимизга қўшилар экан, ана ўшаларга биз таянамиз ва энг оғир иш участкаларини ишониб топширамиз.

Масалан, биз қиррқа яқин ёшни обдон ўрганиб, партияга қабул қилдик. Бу ўринда бошланғич партия ташкилотларининг тавсияномаларини инобатга олдик ва синчиклаб ўргандик. Натижа эса ёмон эмас. Амриддин Қосимов, Бахтиёр Халилов, Озода Алимова, Тўлқин Наврўзов, Саломат Ҳайитова, Қаҳрамон Холмуродов, Очилбой Ёқубов, Ёрқул Жабборов каби партия аъзоларимиз ибратли ҳулқи, жамоадаги ўрни, меҳнатга муносабати билан ишончимизни оқлаяптилар. Демак, бундан кейин ҳам қабулда шу тартибни давом эттирамиз.

Суҳбатдош
Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИЛ ИЗҲОРИ

ТАЪЗИМ, СИЗГА УСТОЗ!

«Биринчи маърифат қалдирғочи, сергайрат ва талабчан устоз, меҳнатсевар ва камтар зиёкор, самимий ва меҳрибон онажонимиз Гулсум Абдулла қизи Фармонова, биз — Сизнинг шогирдларингиз муборак тўйингиз — саксон ёшингиз билан табриклаймиз.

Сиздан таълим олган киши ҳаётда ишчи ёки олимми, фазокор ёки домлами бўлиб етишмасин сизни миннатдорлик ҳислари билан эслаб юради. Насиҳатларингиз бизни ўз бурчимизни сидқидилдан бажаришга ундайди.

Саодат Қобулова — халқ артисти.

Ғани Абдураҳмонов — Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, профессор.

Галина ва Геннадий Богдановлар, профессорлар ва бошқалар».

Бу мактубни ўқиб Гулсум опагина эмас, у кишининг турмуш ўртоқлари — Отажон аканинг ҳам Фарғонада, қоларверса водийда қалдирғоч муаллимлардан эканлигини эсладим. Дарвоқе, бу икки улуғ педагогларни маорифимиз, маърифатимиз қўшчинори, дегим келди. Ҳа, шундай! Шаҳар халқ маорифидан вакил келиб:

— Уч авлод учрашувини ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз. Биринчи авлод вакиллари номидан иккаламизга ҳам сўзга чиқасиз. Шаҳар халқ маорифи фахрийлари ичида ёши энг улуғи Сиз эксансиз,— деди Отажон акага қараб,— муаллимларнинг орасида эса Гулсум опамлар биринчи экан.

— Биринчи авлодга қўшсаларинг, майли-я, аммо иккаламиз ҳам ҳали қариликни ҳаёлимизга келтирганимиз йўқ,— деди опа одатдагидай шўх оҳанг билан.— Қайсидир китобда ўқиганман. Оқил бир киши: кексайганини одам қачон сезади? — деб ўзига ўзи савол бериб, шундай жавоб қайтаради: буни орзу-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганда ҳис қилади». Демак, қарилик—ёшга боғлиқ эмас. Биз эса катта орзу-умидлар билан яшаяпмиз. Отажон акангизга қўйиб берсангиз учинчи авлод қаторида туриб гапиришдан ҳам қайтмайди. Илгарилари 60 ёшга етиб-етмаган кишини чол деб йўқлашарди. Отажон акангиз 88 га кирдилар. Қани, бу кишини чол деб кўринг-чи!»

Учрашувнинг эртага ўтиши ҳақидаги хабарни эшитганда иккалалари ҳам нимани гапирамиз, деб ўйлаб қолишди. Болалик йиллари беихтиёр ёдга тушиб, Гулсум опанинг юраги жиғиллаб кетди...

«Болалигим, оёқ-остида ўтган гўдаклигим,— ичида пичирлайди Гулсум опа. У кишининг нуроний чеҳралари ёришгандай бўлади. У ҳозир тенгқур дўстлари—Абдулла Умаров, Насриддин Шамсиддинов, дугоналари Ойшахон Йўлчиева, Сайдинисо Шокирова, Фотима Йўлдошбоевалар билан бирга мактабга қатнаганини, Елизавета Нетесова, Хадича Орифжонова, Ойшахон Ўразаева, Руқия Иброҳимова каби устозлардан олган саболарини эслаяптимикин ё 1927 йили 1-мактабни битириб, уруғчилик заводига ишга кириб, бўш вақтларида маҳаллама-маҳалла юриб, тўрт девор орасидан чиқолмаган хотин-қизларни ташқарига олиб чиқиш учун курашганларини, ё ўқитувчи бўлиш орзусида китоб ўқиб, ўқитувчилар курсини аъло баҳолар билан тамомлаб, дастлаб Янгичек мактабида ўқитувчи, сўнгра Фарғона шаҳридаги болалар уйига тарбиячи бўлиб келган ширин дақиқаларини хаёлидан ўтказяптимикин? Уруш йиллари Фарғона шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Гулсум Фармонова уруш ичкарисида бор-йўғини йўқотиб келган эридан, болаларидан, ота-онасидан, қариндош-уруғи, маҳалла-кўйидан айрилиб, кўзига дунё қоронғу кўринган қанча-қанча кишиларга ҳамдард бўлди, уларнинг қўлидан тутди. Қайси миллатга мансублигидан қатъи назар бир бутун оила эканини амалда кўрсатиш Гулсум опадан озмунча куч, бардош, ақлу идрок, саховат талаб этдими?

Опадаги оддийлик, толмас ташкилотчилик, билимдонлик билан бирга унда мужассам бўлган оналарга хос юксак фазилат ҳеч кимнинг нигоҳидан четда қолмаган. Шаҳардаги 4-болалар уйига Гулсум Фармонованинг директор этиб тайинланиши бежиз эмасди. Кейинчалик 60-йилларда ана шу болалар уйи базасида мактаб-интернат ташкил этишга бошчилик қилди. У директор, ўзбек тили ва адабиёти муаллими сифатида миллий мактаб характерини шакллантиришда, келажак кишисини тарбиялашда, мактаб ва оила алоқасида ўзига хос тажриба тўплай олди. Бу тажриба бугун унинг қўплаб шогирдларига қўл келяпти. У ўз ўқувчилари қалбидан қанчалар ўрин олганини шогирдларидан келган хатлар ҳам кўрсатиб турибди.

Улар ўнлаб, юзлаб, минглаб. Атоқли ёзувчи Асқад Мухтор ёзади:

«Гулсум опажон! Нурли чеҳрангиз кўз ўнгимда, меҳрибон сўзларингиз қулоғимда ҳамон жаранглайди, сабоқларингиз бир умр ёдимда. Кечагина шўхлик билан сизни чарчатар эдик. Ёш эканмиз, қадрингизга етмас эканмиз. Билганимизда кафтимизда олиб юрмасмидик! Улғайган сари меҳрибон сиймойингиз биз учун азизроқ бўляпти. Энди мен ёзувчиман. Умримиз чироғини ёқкансиз, адабиётга меҳр уйғотган ҳам сиз»...

Бугун юбилей арафасида мактубни ўқиркан, Гулсум опанинг мижжалари намланди. Ҳа, ўқитувчидан ҳам бахтиёр инсон бормикин?! Фарғонанинг соя-салқин кўчалари бўйлаб, ўрта бўй, оқ сариқдан келган, юмшоқ сўз, нигоҳлари меҳрга тўла Гулсум опа боряпти. Ёнида турмуш ўртоғи Отажон ака. Иккалаларининг кўксида орден ва медаллар.

Зуррриёдлари — Раъно, Баҳодир ва Дилбарлар ҳамиша бирга. Саккизта невара ва бешта чеваралари эса қўш-қанотлари. Демакки, уларнинг табаррук изларини босадиган содиқ фарзандлари бор.

Таъзим, Сизга қадрли ва меҳрибон устозлар!

Йўлдош СУЛАЙМОН,
ёзувчи.

Карим НОРМАТОВ,
профессор.

• Меҳр-мурувватли бўлайлик

ЧЕҲРАЛАРДА ҚУВОНЧ КЎРДИМ

Ҳа, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бугунги дамларида дадил ҳаракатлар, амалий ишлар орқали тўсиқларни енгиб ўтаётган ишбилармонлар, сахий ва меҳр-мурувватли кишилар борлигидан қувонасан киши.

Дарҳақиқат, куни кеча Собир Раҳимов туманидаги «Беҳзод» қаҳвахонасида катта дастурхон ёзилди. Унга Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ташаббуси билан шу ерлик олийҳиммат кишиларнинг қарамоғидаги 37 нафар етим болалар таклиф қилинди. Улар билан ташриф буюрган кексаларни кўриб болаларга шоир айтганидек «Сен етим эмассан...» дегим келди.

Дастлаб жажжиларга қарата Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг иккинчи котиби В. Медведев илиқ сўзларни айтди. Шундан сўнг туман халқ таълими бўлим мудири М. Одилова сўз олди.

Тошкент шаҳар «Зуррриёт» етимлар хайрия фирмаси директори Шарипа Содиқова 6 нафар болага нархи 378 минг сўмдан бўлган йўлланмани топширди. Ёз ойларида оромгоҳларда дам оладиган болаларга «Зуррриёт» томонидан совғалар ҳам улашилди.

Бу тадбирда тумандаги «Саида», «Асос», «Зиё — сервис», «Озода» фирмалари, «Камолот сари» ишлаб чиқариш фирмаси, «Атторлик» республика акционерлик бирлашмаси, «АБМ» кичик корхонаси, «Альянс» брокерлик идораси ҳомийликни ўз зиммаларига олдилар. Собир Раҳимов туман партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Асомов ҳар бир бола номига 100 минг сўмдан пул қўйилган махсус ҳисоб дафтарчаларни топширди.

Саида Жўраева, Алла Муротова каби онахонлар юртбошимиз қарорларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилаётган туман раҳбарларига миннатдорчилик билдириб, болаларни Ватанга содиқ, одоб ва ахлоқли қилиб тарбиялаш ҳар бир кишининг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Дастурхон атрофида ўтирган болаларни кузатар эканман уларнинг чеҳраларида қувонч кўрдим. Улар турли ширинликлар ҳамда музқаймоқларни тановул қилиб, тумандаги 24-болалар уйи тарбияланувчилари тайёрлаб келган қўшиқ ва рақсларни тинглаб тамоша қилишди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: махсус ҳисоб дафтарчаларни топшириш пайти.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

• БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

Пахтаобод туманидаги «Пахтаобод» савдо марказининг бутун жамоаси ХДП сафига ўтди.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишга даъват этилган бу кичик жамоанинг ХДП сафида бўлишга интилиши партиянинг халқ орасидаги нуфузи ортиб бораётганидан

Бутун жамоа билан ХДП сафига

далолат. Бу ерда икки ярим ой аввал бор-йўғи уч нафар партия аъзоси бор эди, холос. Саноат моллари бўлими мудири М. Абдуллаева бошланғич партия ташкилоти котиблигига сайлангач, жамоанинг ХДПга қизиқиши кучайди. Котиба ўзи аъзо бўлган партиянинг халқ партияси эканлигига ва у ҳаёт манфаатлари учун тўла хизмат қилишига одамларни ишонтира олди. ХДП ҳаётига ва фаолиятига оид бурчак ташкил этиб, маданий-маърифий ишларни кучайтирди.

Ҳозир савдо маркази бошланғич партия ташкилотининг ҳисобида 28 нафар партия аъзоси бор. Бошқачасига айтганда, бу бутун жамоа дегани. Савдо маркази яқинда кичик типдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилади. Бу эса жамоага хизмат соҳасини кенгайтириш имконини беради.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ёшларга

ВАТАН—АФСУНГАР НАВО

ҲИКОЯТ: Олис ўтмишимизда аждодларимиз Ватанни беиҳоя муқаддас билиб, уни ҳаётнинг жамики неъматларидан устун қўйишган.

Истилочилар қадимий Хун давлатига ҳужум қилиш мақсадида унинг асосчиси Матэга ҳар хил баҳоналар билан мурожаат қиладилар. Жумладан, улардан бири ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Матэнинг соатига минг фарсаҳ йўл боса оладиган, энг яхши кўрган отини беришини сўрайди. Матэ эса ватандошларини уруш балосидан қутқариш учун отини бериб юборади.

Қиличи қонсираган ҳалиги истилочи яна урушни баҳона қилиб Матэдан энг яхши кўрган канизагини беришни сўрайди. Қурултойда бутун беклар уруш эълон қилишни сўрашганда Матэ: «Мен ишқим ўғрисини Ватандан устун қўймайман»,— дейди ва севгилисини ўз душманига бериб юборади. Шунда душман учинчи марта Хун ўлкасидаги ҳеч бир ҳосил бермайдиган, ўрмонсиз, маъдансиз, аҳолисиз бир парча ерни беришни сўрайди. Қурултой бу фойдасиз ерни беришни сўраб турган бир пайтда Матэ: «Ватан бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу муборак тупроққа ҳақлари бор. Ватандан бир қарич бўлсада беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундан буёғига уруш қилажакмиз! Энди мен отимни душманга тўғри соламан, орқамдан келмаганларни ўлдираман!»— деган экан.

Ватан бизда ана шундай муқаддас саналган. Унга хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган.

Ватан ҳақида ҳар ким ҳар хил ўйлайди. Уни ҳар ким ўзича талқин этади. Турли чиройли ташбеҳлару иборалар излайди. Ватанга мос сўз қидиради. Унинг бутун улуғворлигию салмоғини, жозибасию фусункорлигини, дардию ташвишларини, ўтмишию истиқболини бир бутун ифодаловчи сеҳру синоатга бой ранг излайди.

Ҳар гал Ватан ҳақида ўйлаганимда нимагадир кўз ўнгимда Саудия Арабистонида яшаётган ватандошимиз Обид Файзулла Марғилоний гавдаланади. Унинг йиллар муҳрини босган юзларида, суронли ва бўронли умр изғиринлари ғарди қўнган қошлари, соч-соқолларида, бироз ҳазинроқ, бироз титроқли товуши-ю мунгли кўзларида Ватан дардини, Ватан соғинчини, ўзга юртда яшаш изтиробини кўргандек бўламан.

Ўз уйимизда яшаётганимиз учунми, менга Ватан тушунчасини биз нисбатан торроқ тушунаётгандек, торроқ идрок этаётгандек, енгилроқ қабул қилаётгандек туюлади. Балки бу яқин ўтмишимизда ҳукмрон бўлган, Ватан, халқ тушунчаларини ниқоб қилиб олган сохта, бетайин мафкура қалбимиз ва онгимизни мажруҳ қилиб, ўзимизни бу қизил ғоялардан бездиргандир. Ҳар ҳолда маънавий жиҳатдан кемтик, ахлоқий жиҳатдан мажруҳ, руҳий жиҳатдан шикаста бўлиб қолган эдик. Бу рост гап! Не бўлса ҳам она-юртдан олисда юрганнинг кечинмалари ўзгача-да.

ҲАҚИҚАТ: Обид ака уч ёшлигида ота-онаси билан Афғонистонга, ундан сўнг Арабистонга кетиб қолган. Отаси Файзулла ака, онаси Пўлатхон опа асли марғилонлик эдилар. Улар тижорат ишлари билан шуғулланишган. Юртимизда Октябрь инқилоби бошланди. Бу уларга унчалик маъқул келмади. Болалари аждодларига содиқ колсин, мўмин-мусулмон бўлсин, деб кўч-кўронларини кўтариб, Қобул сари йўл олишди. Дарбадарлик, беватанлик машаққатларини тортишди. Не-не қийинчиликлару мусибатларни кўришди. Ҳаммасига чидашди. Ёш Обид вояга ҳам етди. Маккада асли марғилонлик бўлган бир қизга уйланди. Ундан ўн уч фарзанд кўрди. Саккиз ўғил, беш қиз. Бир умр ўзга юртларда яшаб, кўнгилда Ватан меҳрини, Ватан соғинчини жо этган Обид ака якка-ю ягона армон билан яшади: «Ватанни кўрар кун борми?» У доим Ватан ёди, унинг хаёли билан бўлди.

Мустақиллик қалбларимизнинг туб-тубида чўкиб ётган кўп армонларимизни рўёбга чиқарди. Шикаста ва пажмурда орзуларимизга руҳ ва мадад берди, унга янгитдан ҳаёт бахш этди. Яшашга иштиёқ, эртанги кунга умид ва ишонч уйғотди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳориждаги ватандошларимизга мамлакат дарвозасини очгани, Обид ака ва минг-минглаб у сингариларга она-юрт жамолига тўйиш имконини берди. Обид ака ҳар гал Ўзбекистонга келганда унга алоҳида меҳр ўчоқ. Ватан — чироғи мангу ёниқ муборак хонадон. Ватан — суйганларни эр қилган, нонқўрларни кўр қилган илоҳий тупроқ. Ватан гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатган мўъжиза қўшиқ, афсунгар наво!». Обид ака билан суҳбатлашганим сайин, ҳаёлимда ҳассос бир шоирнинг сатрлари чарх ураверади, чарх ураверади...

Обид ака ана шу сирли олам оғушига ғарқ бўлган, бутун вужуди билан танасининг ҳар бир ҳужайрасида уни ҳис қилаётган, туйғулари гоҳ дарёдек пишқириб, гоҳ уммондек кўпириб, гоҳ ёмғирдек сел бўлиб ёғилаётган бир ҳолатда эди. У олис ва оғир жудоликдан сўнг Тошкентга илк бор келганини эслади:

ҲАҚИҚАТ: «Биз ўтирган тайёра Тошкентга яқинлашгани сари вужудимда аллақандай, тушунтириб бўлмайдиган ҳолат юз бераётгандай бўлди. Гўё танамнинг ҳар бир ҳужайраси сирли ҳолатда жимирлаб турарди. Мен буни гапириб беролмайман. Тушунтиролмайман. Тайёрамиз ерга оҳиста қўнди. Юрагим хаприқиб, томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Вужудим титраб, кутилмаганда ҳаётимда ҳеч қачон содир бўлмаган ҳаяжон мени қамраб олди.

Ерга оёғимни қўйдим. Кўнглимдан ярқ этиб, «Ватан!» деган сўз ўтди. Ўзимни ўнглашга қанчалик интилмайин қўлимдан келмас эди. Ана шу сўз юки, унинг салмоғи елкамдан тобора босаётгандай эди. Оёқларим ғавдамни кўтара олмади. Мувозанатимни йўқотиб қўйдим. Кўзларимда ҳалқа-ҳалқа ёш билан юрагим қинидан чиқиб кетгудек бўлиб йиқилдим. Абдулазиз деган ҳамроҳим мени суяб олди. Шу ҳолатда меҳмонхонага етиб олдим».

ҲИКОЯТ: Обид аканинг дардчил ҳикояларини тинглаб ўтирар эканман, унинг қиёфасига кўзим тушгани сайин хаёлимдан ўша ўтли, оловли сатрлар ўтаверади:

«Ватан — қадим-қадимлардан оташ-олови сўнмай келаётган муқаддас ўчоқ. Ватан — чироғи мангу ёниқ муборак хонадон. Ватан — суйганларни эр қилган, нонқўрларни кўр қилган илоҳий тупроқ. Ватан — гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатган мўъжиза қўшиқ, афсунгар наво!»

Обид ака билан суҳбатлашганим сари бунга кўпроқ ишонаман. У шундай бир навоки, бутун борлиғингни, минг бир ҳужайрангни банди-банд қилган, қонингга ва жонингга сингиб кетган сеҳргар оҳанг. Мангу туганмас, авлоддан-авлодга кўчиб юрувчи, ҳамиша тирикликка, абадиятга даҳлдор қўшиқ! Уни қанчалик чуқур идрок этсанг, қанчалик чуқур ҳис этсанг шунчалик кўнглинг равшан, руҳинг тоза, қалбинг чароғон бўлади. Ўнутсанг ўкинчнинг тубсиз гирдобида ғарқ бўласан.

Менинг назаримда Ватан — Аллоҳ даражасидаги беқиёс ҳақиқат, инсоф ва адолат рамзи. У мислсиз қудрат, сеҳру синоат, мўъжизалар жамулжами. Фақат уни ҳис қилмоқ жоиз, фақат уни юрак-юракдан туймоқ лозим. Ана шунда унинг бутун жозибасию илоҳий қудратини Обид ака сингари чуқур англайсиз ва Ватан оғушининг Она оғуши янглиғ ҳарорати-ни, жонбахшу ҳузурбахшлигини сезасиз ва инсон учун бу ягона муқаддас макон — Каъбага сиғинасиз ва тупроққа пешонангизни қўйиб топинасиз, унга саждалар қилиб, Тирикликка, Ҳаётга, Замину Осмон ҳадя этган барча эзгуликка шукроналар айтасиз. Ана шундай туйғудан бегона қалб эмас, совуқ тош! Ана шундай туйғуга макон бўлмаган юрак сўқир! Беватанлик-бечораликдир! Беватанлик-бенаволикдир!

Нарзулла ЖУРАЕВ.

• Иқтисодиёт янгиликлари

НАМАНГАНЛИК ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Наманган вилояти меҳнаткашлари 2503 тонна юқори сифатли кумуш тола етказиб, режани бажардилар. Ҳар кути қурт уруғидан 55 килограммдан ҳосил олинди.

Бу йил қишлоқ хўжалиги ходимлари, хусусан қурт боқувчилар учун анча қулай келди. Уларга тўғри йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар бериб турилди. Бригада бошлиқлари малакалари оширилди. Қурт боқиш учун зарур воситалар етказиб берилди, пиллакорлар олдиндан пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этилди. Бу ғалабани яқинлаштиришга асосий омил бўлди. Учқўрғон, Норин, Уйчи, Наманган, Янгиқўрғон туманларида ҳар бир кути ҳисобига 56—60 килограммдан ошириб ҳосил топширилди. Зафар маррасига барвақт етиб келган задарёликлар 93 тонна, норинликлар 286 тонна, чустликлар 256 тонна, чортоқликлар 200 тонна ортиқ ҳосил топширдилар.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«РЕГИДРОН» КЎПАЯДИ

Ўзбекистонга Япония Қизил Ҳочидан инсонийлик ёрдами кела бошлади. Дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар ортилган дастлабки контейнерлар Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона шаҳарларига келтирилди.

Инсонийлик ёрдами кўрсатиш бўйича Ўзбекистон ва Япония ўртасида тузилган ҳамкорлик дастурига кўра бу дори-дармонлар республикадаги 484 шифохонани таъминлай олади. 1,8 миллион кишини дарддан халос этиши мумкин. Шунингдек, тиббиёт муассасаларини болалар ўртасида ичбуруғ хасталигини олдини олиш мақсадида Регидрон тузи билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бундай ҳамкорлик алоқалари Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатлари билан ҳам амалга оширилмоқда. Марказий Осиёнинг 9,5 миллиондан ортиқ аҳолиси 26 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бундай инсонийлик ёрдамидан баҳраманд бўладилар.

У. РАҲМАТОВА.

„Ўзбекистон овози“ ёдулаётига

ҲАҚИҚАТ ИЛМДАДИР

«Арабистонлик Ҳабиб ибн Маликнинг қизи Сатиҳа бир йўла кар, кўр, қўлсиз ва оёқсиз бўлиб қолгач, қизининг қисматига қайғурган ота уни Каъбага олиб келади. Шаҳзоданинг бу ерга келиши Муҳаммад душманларига қўл келади ва улар доно Ҳабиб ёрдамида пайғамбардан қутулмоқчи бўлишади. Шаҳзода Муҳаммаднинг ўз ҳузурига чорлайди ва «Эшитишимча, Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборди, демишсан... Шу гап ростми?» — деб сўрайди. «Рост.— жавоб беради Муҳаммад, — инсонларни ҳақ йўлига бошлаш учун Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборди». «Далилинг бормн?» — яна сўрайди шаҳзода. — Барча пайғамбарлар мўъжиза кўрсатишган. Нуҳнинг камалаги, Сулаймоннинг узуги бор эди. Иброҳим оловга ҳоким эди, амр этиб, унн сўндира оларди. Исмоилнинг қўчқори, Мусонинг ҳассаси бор эди. Исо ўликка жон бағишларди. Қани сен айтчи, менинг чодиримда ким бор ва мен унн нега бу ёққа келтирдим?».

Муҳаммад тиз чўкиб, ибодат қилади. Сўнг ўрнидан туриб дейди: «Ё Ҳабиб, чодирингда қизинг бор. У кўр, кар, тилсиз ва оёқсиз. Сен унга шифо истаб, бу ёққа келтиргансан. Бор чодирингга кириб, қизинг билан гаплаш».

Ҳабиб чодирга кириб сопса-соғ қизини кўриб, ҳайрону лол қолади. Сўнгра у Муҳаммаддан яна мўъжиза кўрсатишни сўрайди. Муҳаммад яна ибодат қилади. Шунда ажиб ва ғаройиб ҳодиса рўй беради. Ҳаммаёқни зулмат, қоронғулик қоплайди. Муҳаммад бармоғини осмонга қадайди. Кўз очиб-юмгунча фурсат ичида тўлин ой қоқ иккига бўлиниб, яна бирлашади...».

БИРИНЧИ ҲИКОЯ — ИНТИЛИШ

Алам-аччиқда йўлга чиқиб, қиш чилласи, ўттиз биринчи йил январининг ўрталарида Москвага етиб олган йигирма икки яшар йигитча Қозон вокзалига келиб тушдию, қаёққа боришини билмай гарангсиради. Совуқдан этлари жунжикди. Қорни тўқ бўлгандаям совуқ кор қилмасмиди. Аксига эгнидаги чопон ҳам эски, Москва совуғини ушлаб қололмайди. Худди танишини учратиб қоладигандек ў ёқ бу ёққа алангланди: ҳамма қаергадир шошади. Ўриндиқлардан бирига келиб ўтирди. Қаерга боради, кимга учрайди, нима дейди. «Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика факультетининг учинчи курсида ўқиётувдим. Истеъдодли студентларни аспирантурага тавсия қилишаётганда профессор Всеволод Иванович Романовский ўртоғим Ибодулла Оқберганов номзодини айтди. Мен ҳақимда эса лом-лим демади, дейдими. Ёки ёшлигимда ота-онамдан етим қолиб, подачилик қилиб юрган кезларимда ўртоғим Ўринбойнинг ёнини оламан деб Асқар бойдан ноҳақ еган калтакларини, ўшанда унинг «ота-онасининг бошига етган шум қарға» деган таъналарига чидолмай, «шу қилганингизга Москвага бориб ўқиб, олим бўламан» дея аҳд қилганини айтадими. Бу гапларга ким ҳам қулоқ соларди. Шунча қийинчилик билан узоқ йўл босиб шу совуқда пойтахтга келганига айни дамда ўзининг ҳам пушаймони ортди. Бу ёқда қорни оч...**

Бирдан аллаким уни туртгандек «йигитмисан, қаҳратон қишни кўрмаганмисан, очарчиликни бошингдан ўтказмадингми, тур ўрнингдан, интилган нарсангга етай-етай деганда номарднинг ишини қилмоқчимисан», деяётгандек туюлди. Ўрнидан турди-ю, тез-тез юриб кўчага чиқди. Дуч келган одамдан Москва Давлат университети қаерда жойлашганини сўради. «Сўрабсўраб Маккани топган экан» деганларидек, тўппа-тўғри университет раҳбарлари олдига кириб борди. Бироқ ректор муовини ҳам, физика-математика факультети раҳбарларининг ҳам жавоби битта бўлди: «Ўқув йили ўртасида қабул қилмаймиз». Йигитчанинг боши қотди. Нима қилишини билмай шу кунги тунни Қозон вокзалида, қуруқ тахтада икки букилиб, жунжикиб ётиб ўтказди. Қанчалик қийналса-да, очлик, совуқ жонидан ўтса-да энди унинг ҳам қайсарлиги тутганди. «Барибир ўқийман», дерди ўзига ўзи.

Яхши одамлар ҳамма ерда ҳам топилади. Унга, шу тўпори ўзбек йигитига Анатолий Васильевич Луначарскийга бориб учрашишни маслаҳат беришди. Йигитчанинг бошқа иложи ҳам қолмаганди. Таваккал қилди. Эски чопонига ўраланиб, телпагини бостириб кийди-да, ботинкасининг сув ўтқазиб, совуқда аъзои баданини қақшатаётган тешиги ҳам кўзига кўринмай Совнаркомга келди. Луначарский баланд бўйли, кенг яғринли бу йигитни жуда яхши кутиб олди. Аввалига бироз қаяжонланиб, рус тилида яхши сўзлашолмаганидан гапни нимадан бошлашни билмай турган йигитнинг Ўзбекистонданлигини англаган Анатолий Васильевич «хизмат», дея ўзи гап бошлади. «Ҳалиги, ўқишга, МДУ-га келувдим, қабул қилишмаяпти, — деди тутила-тутила, — кеч келганмишман», — қўшиб қўйди. «Тўғри-да, ҳозир ўқишнинг ярми ўтган бўлса...» деган жавобни эшитиб, бу ердан ҳам иши битмай чиқиб кетиши мумкинлигини сезган йигит энди ҳаммасини яширмай гапириб берди, ҳатто бу ёғига пули ош қолганини ҳам айтди.

Комиссарга унинг нимаси маъқул тушганини билиш қийин эдию, бироқ йигитчадаги қатъийлик, ўқишга чанқоқлик уни бир қарорга келишга мажбур этди. Луначарский қўшни хонадан телефонда аллакимлар билан гаплашиб қайтиб чиққанда ўзи ҳам хурсанд эди. Қоғозга нималардир ёзди-да «Шарт шу: билимингизни текшириб кўриб, сўнг қабул қилишади», деди. Москвага келганидан бери энди яхши бир гап эшитганидан мамнун йигитча ўзини қўярга жой тополмасди. Ҳаммадан ҳам бу ёғи қизиқ бўлди. Ҳовлиқиб университетга келганди, декан йўқ экан. Бир аудиторияда ўтирувди, зум ўтмай

хонага студентлар билан бирга профессор Андрой Петрович Минаков кириб келди. Довдираб қолган йигитча орқароққа ўтириб олди. Профессор алланималарни гапирди-да, доскага масала ёзди ва «ким ечади?» дея студентларга юзланди. Жим-житликни чопонли йигит бузди. Профессор ҳайрон эди. Унинг кимлигини сўраб ҳам улгурмай, йигитчани доска олдида кўрди. Масалан аниқ, пухта ва тез еча олган нотаниш йигитга завқланиб тикилиб қолган профессор унинг кийимига ишора қилиб «Ал-Хоразмий юртдоши эканингиз билинди» деди. Қилган ишини энди тушуниб етган йигитча «Мен Халилман. Халил Раҳматуллаев бўламан...» — деди секингина. Аудиторияда кулги кўтарилди. Шу куни уни механика-математика факультетининг иккинчи курсига (ўртасидан) қабул қилишди.

Буюк мунажжим Мирзо Улуғбек айтганидек, «Воқеалар само гумбазининг ҳаракатига қараб эмас, одамларнинг интилиши билан рўй беради».

ИККИНЧИ ҲИКОЯ — МУЪЖИЗАЛАР САРИ

Геленжикдаги студентлар дам олиш уйида Халил бир сафар Татьяна исмли қиз билан танишиб қолди. Бу жингалак соч, сўзамол, соҳибжамол яҳудий қизи Халилдан бир курс пастда, математика бўлимида ўқир эди. Русчани зўрга гапирадигани, юпун кийинган Халилнинг нимаси бу қизга ёқиб қолганини айтиш қийин. Узун бўйли, дўнг пешонасими ёхуд миясидаги ғоялар, фикрларининг ўткирлигими, ҳар ҳолда «муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади», дейишгани рост экан. Шундай йигитни танлаган Татьяна ниҳоятда ақлли эканлиги шубҳасиз. Татьяна ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини хотиржам тута оладиган, босиқ, вазмин табиатли, Халил эса миясида фикрлар бўрони қайнайдиган, шиддаткор эди. Улар тез-тез учрашиб туришар, Татьяна бу ўзбек йигитига рус тилидан сабоқ берса, Халил ўз навбатида математик масалаларни ечишда кўмаклашарди.

Шундай учрашувларнинг бирида Татьяна Халилнинг ота-онаси, оиласи ҳақида сўраб қолди. «Бир кун шундай савол беришингни билардим», — деди Халил ва ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилиб берди. «Отам Аҳмат Раҳматулло ўғли асли авлиёталик ўзбеклардан, уларнинг оналари қозоқ бўлган экан. Гулсум онамнинг ҳам оталари ўзбек, оналари эса татар бўлса керак. Отам нисбатан бой оиладан бўлганлар, Тўқмоқ (Қирғизистон)дан узоқроқ тоғли жойларда бойларга приказчик бўлиб ишлаганлар. Афсуски, отамни мутлақо билмайман, мен туғилмасимдан аввал вафот этган эканлар. Аммо отам ҳам, онам ҳам ўз даврининг ўқимишли одамлари бўлишган. Бироқ худо онамни ҳам кўп кўрди. Кўкрак ракидан вафот этганларида мен эндигина ўн икки ёшга тўлувдим. Катта опам Ашрафи — февраль революциясидан сўнг Оренбург ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқиганлар, ўқитувчилик қилардилар. Ҳадича опам ҳам ўқитувчи. Кичик опам Ҳалима эса Ўрта Осиё почта-телеграф курсини тугатиб, почта ходими бўлиб, кейинроқ улар ҳам катта опаларим сингари ўқитувчилик қила бошладилар. Катта акам Неъматулла Тўқмоқда холера эпидемияси вақтида ўн саккизинчи йили вафот этганлар.**

Калимулло акам ҳақида алоҳида гапиришим керак. У киши, бир сўз билан айтганда, «Монасчи». Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университети қошидаги рабфакда ўқигач, ижтимоий фанлар факультетига кирган. Шу даврда партиянинг матбуот бўлимида мудирлик қилди. Ўқишни тугатгач, Фрунзега келиб, республика «Эркин тоғ» газетасига редактор бўлганлар. Айни пайтда Монас бўйича маълумот олиш учун биринчи бўлиб қирғиз ёшларидан экспедиция ташкил этиб, халқ орасига юборганлар. Бироқ, азизим Татьяна, сенга очиғини айтсам акам репрессияга учраб, қамалиб ҳам чиқдилар. Ваҳолонки, «Коммунистлар партияси манифести»ни қирғиз тилига таржима қилган менинг Калимулло акам бўладилар». Халил оғир хўрсиндию, анчагача жим бўлиб қолди. Ҳақиқатан Калимулло ҳаёти Халилни кўп ўйлантирар, гоҳо акасининг тақдири ўзининг ўқишига, турмушига ҳам таъсир этиши мумкинлиги хаёлини сира тарк этмасди. Ахир ўзи ҳам осонликча ўқимади-ку. Тошкентга ўқишга бориш учун опалари Ашрафи билан Ҳалима узоқ бир қариндошларидан қарзга пул олиб келиб берганлари сира ёдидан чиқмайди. Тошкент область педагогика техникумида ўқигани, сал бўш қолдими одамлар меҳнатини қилиб, ўзига пул топиб, кун кўргани, гоҳо оч қолса-да, бор пулига китоб сотиб олганлари — буларни унутиб бўладими. Техникумни тугатиб ўқитувчилик қилди, айни пайтда Ўрта Осиё Давлат университетида таҳсил олаётганда Москвага келди.

У бу ерда математиканинг аниқ тушунтириш усулларини СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Дмитрий Евгеньевич Меньшов, Вячеслав Васильевич Степановлардан ўрганди. Математикани татбиқ қилишнинг кўпгина сирларини профессор Владимир Васильевич Голубев ёрдамида тушунди. Қолаверса, шу олим Халил Раҳматуллаев диплом ишига раҳбар ҳам бўлганди. Унинг мавзуи турбулент чегаравий қатламнинг доиравий цилиндрдан ажралиш нуқтасини аниқлаш учун Палгаузен усулини қўллашга бағишланганди. Голубев кичик тезликлар аэродинамикасининг асосчиларидан бири эди. Халилни эса катта тезликлар аэродинамикаси, яъни газлар динамикаси кўпроқ қизиқтирарди. Бу соҳада Австриядан келган проф. Феликс Исодорович Франкль Марказий аэрогидродинамика илмий-текшириш институтида ишлар эди. Шу боис Халил бу профессор билан ҳам ишлашди. Гидродинамика бўйича у академик Александр Иванович Некрасовдан таҳсил олди. Халилни аспирантурага тавсия қилган ҳам шу Некрасов эди. Халил гидравликани академик Леонид Самойлович Лейбензондан эшитди. Назарий механикадан эса Андрей Петрович Минаков устозлик қилганди.

Кўриниб турибдики, Халил Раҳматуллаевнинг домлалари ўша даврнинг энг талантли, кўзга кўринган олимлари эди. Ўттиз тўртинчи йили университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, Халилни МДУнинг Механика институтида аспирантурада олиб қолишди. Устозлари акад. Л. С. Лейбензон, ФАнинг мухбир аъзоси В. В. Голубев ҳамда физика-математика фанлари доктори Ф. И. Франкль раҳбарлигида Халил Раҳматуллаев ўттиз еттинчи йили «Катта тезликлар аэродинамиканинг баъзи масалалари» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йили унинг Татьяна билан тўйи бўлиб ўтди. Хотинининг маслаҳати билан худди шу йили Халил фамилиясини Раҳматулин деб ўзгартирди. Акаси Калимуллонинг қисмати эрининг бошига кўп савдолар солиши мумкинлигидан чўчирди Татьяна. Қолаверса, у бундай фамилия илмий дунё учун бошқачароқ жаранглашини ҳам ўйларди. Хуллас, ҳамма томонини тарози палласига қўйиб Халил ҳам фамилиясини ўзгартиришга рози бўлди.

Диссертация ёқлаганидан кейин ишлар янада юришиб кетди. Халил Аҳмедович Раҳматулин МДУ аэродинамика кафедрасига доцент лавозимига қабул қилинди. Сўнгра Н. Е. Жуковский асос солган аэродинамика лабораториясига мудир бўлди. Бу ерда илмий ишлар олиб борилар, механика-математика факультети юқори курс студентлари лаборатория ишлари бажаришарди. Халил Раҳматулин лабораторияни янги аэродинамик аппаратлар билан бойитди, янги аэродинамик труба қурдирди. Айни чоғда у студентларга механика фанининг турли соҳалари бўйича лекциялар ҳам ўқий бошлади. «Дарс беришда икки йўл бор, — дерди Халил Аҳмедович, — 1) Дарс шундай берилиши керакки, тингловчиларнинг барчаси барча айтилган гапларни тушуниши шарт. 2) Лекцияни тингловчиларнинг барчаси тўлиқ тушуниши шарт эмас. Лекин уларни шундай қизиқтириш керакки, тушунмаганларини келгуси лекцияларда тушунсин, яъни лекциянинг айрим нозик жойларини ўзлари кейин ўйлаб тушунсин»... Домланинг ўзи биринчи йўлини ёқтирар, гоҳо кейинги усул билан ҳам лекция ўтарди.

Аэродинамика лабораторияси парашют заводининг конструкторлик текшириш группасидан парашютни илмий усуллар ёрдамида текшириш, яхшилаш бўйича илмий топшириқ олди. Халил Аҳмедович шу илмий соҳага шўнғиб кетди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, олимнинг аксарият муҳим ишлари давлат, халқ аҳамиятига эга муҳим ташкилот, заводлардан келган топшириқлар асосида бажарилган. У доимо мамлакатнинг муҳим ишлаб чиқариш корхоналари, мудофаа ва ҳужум аҳамиятига эга ишлаб чиқариш билан узвий боғланиб ишлар эди.

Ҳарбий ва граждан самолётлари уча бошлагач ва такомиллашганда парашютнинг аҳамияти оша борди. Тўғри, парашют аллақачонлар кашф этилганди. Бироқ унинг ишлаш назарияси ҳали мукаммал ишлаб чиқилмаган, Халил Аҳмедович ана шундай мураккаб, машаққатли, йирик ишни ҳал этишни ўз зиммасига олди. У МДУ аэродинамика лабораториясидаги вертикал аэродинамик трубада парашют моделининг очилиш жараёнини, очилгандан кейинги ҳаракатини, формасининг ўзгаришини, мустаҳкамлигини синчиклаб ўрганди, тажрибалар ўтказди, муҳим фактларни аниқлади. Булардан бири очилган парашют сиртидаги босим фарқининг сирт бўйлаб ўзгармаслиги эди. Иккинчиси оддий назарий ҳисоб асосида аниқланган мустаҳкамлигига қараганда кўпроқ оғирликка (нагрузка) чидай олиши, яъни парашютлар мустаҳкамлик резервига эга эди. Демак, назарий ҳисобда масаланинг бирор муҳим томони ҳисобга олинмаган эди. Очилган парашют гумбази кесилган сфера шаклида деб қаралган. Халил Раҳматулин бу форма гумбазининг ҳақиқий шаклидан фарқ қилишини пайқаб қолди. У юк осиладиган арқон-стропаларнинг гумбазга кириб кетишини биринчи бўлиб ҳисобга олди. «Парашют назарияси»да — деган эди Халил Аҳмедович, — парашютнинг ярим сфера формасидан «тўлқинли» четланишини ҳисобга олдим. Мен гумбазнинг очилиш жараёнини аниқлаётиб, гумбаз остидаги ҳаво фақат қутб тешиклари орқали эмас, балки ипак тўқима орқали ҳам ўтишини дунёда биринчи бўлиб ҳисобга олдим, десам мақтанган бўлмайман. Бу назария аэродинамикада янги йўналиш очди...»



Навбатдаги йиғилишлардан бири...

Халил Раҳматулиннинг механиканинг ўта мураккаб муаммоларига «яқинлашиши», уларни ҳал этишга интилишини довюрак шернинг ўз ўлжасига ҳамла қилишига қиёслагинг келади. Унда жиловлаб бўлмас жўшқин куч-қувват мавжуд эди.

Олимнинг парашютни ўрганишининг дастлабки босқичи қирқ учинчи йилда, Улуғ Ватан урушининг айни қийин палласида «Парашют назарияси» номли докторлик диссертациясининг ҳимояси билан якунланди. МДУнинг илмий кенгашида ёқланган диссертацияда Халил Аҳмедович эслашича, проф. А. А. Космодемянский парашютнинг очилиш жараёнини назарияси-ни, проф. А. А. Ильюшин эса қийин геометрик-механик масала ҳал этилганини мақташган. Очиғи, ҳаммадан ҳам афзали диссертация ҳимояси Раҳматулиннинг «паёги»га яна битта «паёг» қўшди. Уруш даврида бу катта далда, айниқса, оиласининг моддий таъминотига яхши мадад бўлганди. Чунки улар оилада кўпайиб қолишган: фарзандлари Анна ва Инна туғилганди.

Энди Х. Раҳматулин парашют соҳасидаги ишларини давом эттириб, уни синашнинг янги усулини ўйлаб топди. Буни инсон бажармас, махсус лойиҳаланган пневматик пушкадан отиладиган роботпарашютчи адо этарди. Фанда бу ажойиб пушка «Раҳматулин пушкаси» деб ном олди.

Уруш йиллари Халил Раҳматулин мамлакат оғир саноатининг муҳим заводлари билан узлуксиз алоқада бўлиб, ишлаб чиқаришни тезлаштириш бўйича зарур маслаҳатлар бериб турди. Ўзи ҳам ихтироларини амалда қўлланишда ишчиларга кўмаклашди. «Урушда «Кўндаланг зарба назариям» айниқса катта иш берди, — деб ёзганди Х. Раҳматулин. — Пўлат арқонга бўлган кўндаланг зарба анча мураккаб математик масала. Буни ҳал этишни урушдан сал илгари менга топширишганди. Мен ўттиз тўққизинчи йили кўндаланг тўлқинлар ва зарба тезликларини ҳамда эластик-пластик хусусиятларига боғлиқ бўлган пўлат арқон деформациясини аниқлайдиган формулалар келтириб чиқардим... Мен ҳисоблаган мудофаа аэростатларининг пўлат арқонлари урушда Москва, Ленинград, Боку каби шаҳарларни ҳимоя қилишда қўл келди...»

Уша вақтида самолётлар 1500—2000 метр баландликда учарди, холос. Аэростатлар шу юксакликларга чиқарилди ва пўлат арқонлар билан ўзаро боғланди. Бу симларнинг кўндаланг узунлиги 500 метрдан иборат эди. Уларнинг ҳар бирига маълум оралиқларда тўрттагача граната боғлаб қўйилди. Бу симларга душман самолётлари урилганда гранаталар портлаб кетарди. Бу ишни буюк инглиз олими Ж. Тейлор матбуотда мақтади. Унинг ўзи ҳам кўндаланг зарба масаласи билан шуғулланаётган эди. Тейлорнинг иши Раҳматулинникидан кейин чиқди. Унинг ишида зарбали куч пўлат арқонга тик деб қаралган. Бу ҳолда зарба бераётган жисм пўлат арқон бўйлаб силжимайди. Халил Аҳмедович эса оғма зарбани ва пўлат арқон билан урилаётган жисм орасидаги ишқаланишни ҳам ҳисобга олди. Кейинроқ бу назария асосида эластик-пластик материаллар динамик қаршилиги қонунларини аниқлайдиган яна бир усул-самолётларни ерда бирдан тўхтатиш ва қўндириш қурилмалари ишлаб чиқилди. Самолётлар ердан ноқулай учиш ёхуд қўнаётганларида бу қурилмалар иш беради.

Маълумки, урушда бизнинг мудофаа саноатимизда айниқса пўлат камчил эди. Шу сабаб снаряд ва миналар пўлатсимон чўяндан ясала бошланди. Бироқ улар пушкаларидан отилиши билан стволдан чиқиб ёрилар ёки бузиларди. Бу масалани жадал ҳал этишни Механика проблемалари институти билан МДУ га топшириларганди. Ҳали техник адабиётда кўрилмаган, такрорий бўлмаган жараёнлар вужудга келадиган муҳитларда тўлқин тарқалишини текширишнинг амалий заруратини аниқлаш Х. Раҳматулин зиммасига тушди. У биринчи бўлиб юксизланиш тўлқинларини кашф этди. Бу тўлқин жаҳон фанида «Раҳматулин тўлқини» деб юритилади. Немис олими Теодор Фон Карматнинг юксизланиш тўлқинлари тарқалиши ҳақидаги мазкур назарияга юқори баҳо берганди.

Халил Аҳмедович иш фаолияти асосан Марказда ўтса-да, бироқ у киндик қони тўкилган она юртини, уни ўқитиб, тарбиялаган Ўзбекистонни сира унутмасди. Ҳар бир ихтироси, назарияси ўз ўлкаси корига қай йўсинда яраши мумкинлиги хусусида кўп ўйларди. Зеро, у республикамизда ҳам талай ишлар қилди. «Халил эллигинчи йилларда, — деб ёзган эди у ҳақда олим Муҳаммад Ўрозбоев, — академиянинг физика-математика фанлари бўлимида академик-секретарь вазифасида ишлаб, республикада механика, физика, математика, техника фанлари бўйича илмий ишларни ташкил этиш, фан янгиликларини халқ хўжалигига жорий этиш, миллий кадрлар етиштиришга катта куч ва билим сарфлади». Шу йиллари Х. Раҳматулин фаолияти республикамиз муаммолари билан кўпроқ боғланган бўлиб, у жуда кўп илмий йўналишлар устида ишлади, илмий мактаблар яратди. Машиналарнинг янги турларини ихтиро қилиш, аэродинамик усулда пахта ва бошқа маҳсулотларни чигитдан ажратиш, сувдан унумли фойдаланиш, газ ва нефтлар ҳаракатини ўрганиш билан боғлиқ кўп тезликли муҳитлар назариясини яратиш ва бошқа муаммоларни ҳал этишда Х. Раҳматулин хизмати беқиёс. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академиясидаги Механика институтининг аэродинамика лабораторияси қошида бир неча хил ташкил этувчилари бўлган муҳитлар ҳаракатини текшириш бўлими тузилди. Кейинчалик шу бўлим асосида Гидродинамика лабораторияси вужудга келди.

Олтмиш тўққизинчи йили Халил Аҳмедовичнинг «Зарбали тўлқинларнинг уч компонентли муҳитда тарқалиш назарияси» ҳақидаги китоби чиқди. Бунда қатламларнинг мураккаб тузилиши ҳисобга олинган эди. Шундан сал аввал «Йўллар ва биноларни қуришда, ер ости иншоотларини бунёд этишда катта аҳамиятга эга бўлган «қатламлар назарияси» ҳам яратилганди. Аралашмалар ҳаракати назарияси эса асосан металларда зарбали тўлқинлар тарқалганда содир бўладиган фазали ўтишлар, ичида газли тўлқинларнинг тарқалиш ҳаракатларини аниқлаш ва кимё технологиясининг қатор масалаларини текширишда қўлланилади.

Унинг саноатда ва халқ хўжалигига татбиқ этилган «аднабатик қисишга асосланган газодинамик труба» ва «роторли айланма деспинишга асосланган пульсацион аппаратлар», «чигитни ялянглашнинг агрохимик усули» назариялари ҳам маълум ва машҳурдир.

«Аднабатик қисишга асосланган газодинамик труба» — бу Халил Аҳмедовичнинг энг йирик кашфиёти бўлиб, асосан товуш тезлигидан катта тезликларда ҳаракатланувчи жисмлар ҳаракатини ўрганишда асқотади, жисмлар ҳаракатланган муҳитнинг ёпишқоқлиги ва қисилувчанлиги уларнинг аэродинамик характеристикаларига таъсирини ўрганишда муҳим роль ўйнайди, муҳитда ва жисмдаги иссиқлик алмашинувини ҳам ўрганса бўлади.

Бу қурилма авиация ва космонавтикада кўп йиллар давомида иш берипти. Уни Америка Қўшма Штатларида «поршенли қурилма» дейилади. (У ерда кейинроқ кашф қилинган). Қурилманинг очилиши қизиқ бўлган. Халил Аҳмедовичнинг лабораторияси Кремлга яқин жойда бўлганидан портлатишга рухсат бўлмаган. Олим муҳитнинг (газнинг) товушдан катта тезликлардаги оқимини моделлаштириш учун портлашдан бошқа йўлларни қидириб, шу қурилмани очган.



Италиянинг «Фан ва технология» қомуси, унда жаҳон тан олган устознинг илмий фаолияти ҳақидаги мақола ҳамда чизган чизмалари акси.

Бу ҳақда академик Валентин Глушко бундай дейди: «Халил Аҳмедович шахсан дунёда энг ноёб адиабатик қисишга асосланган газодинамик труба кашф қилди. У бу ноёб ва жуда ҳам мураккаб машинанинг қурилишида, ишга туширилишида ва унда тажриба ўтказиш услубини ишлаб чиқаришда шахсан ўзи иштирок этди. Мустаҳкамлик проблемаларини ҳал этишда бу ноёб трубанинг хизмати жуда ҳам баҳосиздир...».

Олимнинг ҳали яна тилга олинмаган ғоялар, назариялари талайгина. Буларнинг деярли ҳар бирини мўъжиза деб аталса янглиш бўлмайди.

Абу Райҳон Беруний таъбири билан айтганда, «ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришидадир».

УЧИНЧИ ҲИКОЯ — КАШФИЁТЛАР КАЛИТИ

Халил Раҳматулин қирқ етти ёшида юрак хасталиги — инфаркти бошидан ўтказди. Даволанишга даволандию, бироқ умрининг охиригача қатъий режимга риоя қилган ҳолда шифокорлар назорати остида яшади. Ҳар қанча иши тиқилинч, вақти зиқ пайтда ҳам у бадантарбия, соф ҳавода юриш, ўз соатида овқатланишни канда қилмасди. Бир қараганда, булар майда-чуйда нарсалар бўлиб туюлса-да, лекин инфарктдан кейин яна ўттиз икки йил яшашнинг асосий омили шу бўлган бўлса ажабмас. Қолаверса, у мустаҳкам иродали, ўз мақсадига эришиш йўлида қатъий турувчи инсон эди. Халил ака ўзбек таомларини севар, вақти бўлса ўзи яхшигина палов дамларди.

Катта-кичик давраларда дўстлари Халил Аҳмедовичга «дўст» деб таҳаллус қўйишганди. Кўнгли очиқ, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган домлани «орқа қилиб», олдига ёрдам сўраб келган одамга у албатта вақт ажратиб, арзини тинглаб, қўлидан келса ёрдам берарди.

Республикамизга узоқ вақт раҳбарлик қилган Шараф Рашидов бир неча бор уни Тошкентга, ишга таклиф қилганда, Халил Аҳмедович узрини айтганди. Ваҳолонки, унинг бу ердан кўра кўпроқ Москвада бўлиши афзаллигини Ш. Рашидов ҳам тушунар, қолаверса, Халил акага у ердан жавоб ҳам беришмасди. У ҳар сафар Тошкентга келиб кетгач, ўлкасига тааллуқли муаммолар уммонига ғарқ бўлар, Ўзбекистон тақдири, келажагини ўйларди. У республика осмонида булутлар пайдо бўлганда, ёғин ёғмай ўтиб кетишига қайғурар, самолёт ёки ракета чиқариб, ёмғир ёғдириш йўлларини айтарди. Ғўзанинг барча қисмларини толасидан тортиб барги, пояси, томиригача ишлатишни, умуман республикада қайта ишлаш саноатини ривожлантириш лозимлигини кўп марта гапирар, исрофгарчиликка тоқат қилолмасди. Қишда ва кўкламда тоғ ёнбағирларида ёғган қорни сақлаб, йиғиш имконини берадиган қурилмалар қуриб, сўнгра ёзда унинг сувидан фойдаланишда ота-боболаримиз қурдирган сув омборларини тиклашни тавсия этганди.

Х. Раҳматулиннинг шогирдлари жуда кўп эди, устоз уларни шуғулланаётган масалалари бўйича эсларди. Уларнинг илмий ишларини хотирасида эслаб юрар, айни пайтда мазкур муаммолар аста-секин ўз ечимини ҳам топарди. Шогирдлари учун олим гўё кашфиётлар калити эди.

Халил Аҳмедович бир эмас, қатор мактаблар ярата олган, кўпгина илмий марказларда илмий маслаҳатчи бўлган олим эди. Уни Королев фирмасида, парашют системаларини тадқиқ қиладиган институтда, гоҳо МДУнинг механика институтида учратиш мумкин эди. Қолаверса, уни Америка, Италия, Испания, Франция, Польша сингари мамлакатлар меҳмонга, шу баҳонада фикр алмашишга таклиф қилишарди. Италиянинг «Фан ва технология» қомусида Х. Раҳматулин ҳаёти, илмий ишлари ҳақида маълумот, ўзи чизган чизмалар намуналари берилган. Шундай маълумот собиқ СССР бўйича икки кишидан олинган бўлиб, бири Халил Аҳмедович эди. Домланинг асосий хизматларидан бири фазога учиш учун мўлжалланган ракеталарни атмосферанинг зич қатламларидан олиб чиқиш ва қайтариб туширишдек муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ эди. Космик кемалар конструктори Королёв ҳаёт билан видолашаётганда «Космосдаги мувафқиятимизда профессор Раҳматулиннинг ҳеч қачон унутиб бўлмайдиган муҳим ҳиссаси бор!» дея бежиз таъкидламаганди.

Кучли қобилият, ноёб истеъдод эгаси бўлган Халил ака турли назариялар, математик формулаларнинг ҳисобини аввал мияда пишиқлаштириб оларди. Унинг бундай хислатларини Беруний, Леонардо да Винчи сингари алломаларга қиёслагинг келади. Ўз даврида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, икки марта Давлат мукофоти лауреати бўлган, Ломоносов номидаги мукофот, қатор орден ва медаллар соҳиби, РСФСР ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ҳамда техника арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги республика давлат мукофоти лауреати, академик Халил Аҳмедович шахсиятини шундай тушунтириш мумкинки, у бутун умрини чин маънода илмга, халққа хизмат қилишга бағишлади. Излаган ҳақиқатини илмдан топди. У ҳақиқий элпарвар инсон эди.

Икки қизининг олима бўлганини кўриш, нуёвлари қўлидан чой ичиш, набираларини қучиб, эркалаш насиб этган Халил Раҳматулин саксон саккизинчи йили бандаликни бажо келтирди.

«Ифодали қилиб айтганда, — деган эди. Халил Аҳмедович— механика фани юзи доимо яшариб, яшнаб турадиган кекса танишга ўхшайди, чунки барча замонлар, барча мамлакатларда механика қонунларини қўлланмасдан, техника тараққиётига эришиб бўлмайди»... Унинг ўзи бир умр ана шу эътиқодига содиқ қолди.

Америкалик давлат арбоби Чарлз Сэмнер айтганидек, «Фақат одамзот бахти учун қилинган меҳнатгина чинакам ва боқий шуҳрат келтириши мумкин».

* * *

...Тўлин ойнинг қоқ иккига бўлиниб, яна бирлашиши Муҳаммад пайғамбарининг мўъжизалари сифатида тан олингани сир эмас. Таъбир жоиз бўлса, илмий фаолияти давомида тафаккур уммонига шўнғиб, мўъжизалар сари интилиб, кашфиётлар калитини қўлга киритган аллома Халил Раҳматулин ижоди ҳам мўъжизадир. Катта истеъдод эгаси Абдулла Қаҳҳор Халил Аҳмедович Раҳматулинни «авлиё» деб атагани бежиз эмас. Зеро, авлод-аждодлар қони уфуриб турган ватандошимизнинг мўъжизалар яратган пайғамбарлар руҳи қўллаган бўлса, ажабмас.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент Давлат Техника университети Назарий механика кафедраси мудири, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Умида ФАЙЗИЕВА.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Шогирдлари билан баҳси бутун эди устозниг.

• *Меҳнатинг—зийнатинг*

ЙЎЛ ТАНОБИН ТОРТГАН ШОФЁРЛАР

Кишининг ёши бир жойга бориб, пешонани ажин босганда, ўз умрини сарҳисоб қилади. Ўтган умрига назар ташлайди. Кишиларга эзгулик улашаётганидан қалби завқ-шавққа тўлади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган киши ҳали ёши «бир жойга» бориб қолмаган, айни жўшиб ишлайдиган даври келган инсон, катта бир жамоанинг раҳбари Зиёдулла Қўчқоровдир.

Кексалар бежиз айтмас экан, дарахт бир ерда кўкарар деб. Бу менгизиш инсонларга ҳам хос. Агар киши мавжуд шарт-шароитларни ёқтирмай яхшироқ ерни қидириб кетса, барибир қадр-қиммат топа олмайди. Биринчи шароитга қаноат қилса, бора-бора камол топади, бири икки бўлади-да...



Зиёдулла ака ҳам 1976 йили Тошкент автомобиль йўллари институтини битказиб,ҳозир ўзи раҳбарлик қилаётган Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш автокорхонасига ишга келган эди. Қарийб йигирма йилдирки, шу масканда тер тўкяпти. Устозларидан маъсулиятни, энг муҳими, ҳаётни ўрганди, камол топди. Оддий таъмирловчи устадан корхона раҳбари даражасигача кўтарилди.

Маълумки, ҳозир ҳар бир корхона, хўжалик ва бирлашма ўзига яраша муаммоли иқтисодий жараёнларни бошидан кечираётир. Зиёдулла Қўчқоров раҳбарлик қилаётган корхонада ва унга қарашли 3 та автожамланмада 216 та автобуснинг бекамукўст ишлаши учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги баъзида унумли ишлашларига салбий таъсир кўрсатаётир. Лекин жамоа аҳли юзага келган қийинчиликларни ички имкониятлар ҳисобига бартараф этиб, меҳнат фаолиятида қувончли ютуқларга эришмоқда.

Масалан, автокорхона аҳли жорий йилнинг беш ойи якуни бўйича йўловчиларни манзилига етказиб, 4 миллиард 319 миллион 600 минг сўмга яқин даромад қилди. Шу боисдан автокорхона биринчи чорак якуни бўйича турдош корхоналар ичида биричи ўринни эгаллади.

Зиёдулла ака таъкидлаганидек, корхонанинг фахрийфтихори бўлган Валерий Осипов, Турғунбой Юсупов, Юсуф Хожиматов, Ёдгор Абдужалилов, Азиз Султонов сингари ўнлаб ҳайдовчилар меҳнатини алоҳида айтишга тўғри келади. Корхонанинг бу моҳир ҳайдовчилари аввало ўз оилаларини, қолаверса, корхона шаънини, эл-юрт фаровонлигини ўйлаб, одамлар узоғини яқин қилиб тер тўкяпти. Улар ҳам меҳнатига яраша ойига 2 миллионга етказиб маош олмоқдалар.

Корхонада ҳамжиҳат бўлиб иш тутилаётганлиги ҳар жабҳада сезилмоқда. Ходимларнинг моддий манфатдорлиги ошаётир. Автокорхонанинг соф фойдасидан ишчи ва ходимларга тушлик овқат учун 63 миллион 400 минг сўмга яқин маблағ ажратилган. Яқинда Қурбон ҳайити муносабати билан жамоанинг 671 нафар ходимига 100 минг сўмдан мукофот пули тарқатилди. Шунингдек, Наврўз жамғармасига 5 миллион, Қибрай тумани фахрийлар кенгашига 500 минг сўм миқдорда ёрдам пуллари берилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг қон томири катта-кичик автомобиль йўлларида ҳар куни йўловчиларни манзилларга етказиш умидида шитоб билан елаётган «Мерседес-Бенц», «Каросса», «Икарус» маркали автобусларни бошқараётган Зиёдулла Қўчқоровнинг чапдаст йигитларини учратасиз. Улар йўловчиларга намунали маданий хизмат кўрсатишмоқда. Йўл танобини тортиб, кўз нури, қалб қўрини тўкиб меҳнат қилаётирлар.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: корхона раҳбари Зиёдулла Қўчқоров.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

• *Жаҳон футбол чемпионати арафасида*

МАРАДОНА АМЕРИКАГА БОРАДИМИ?

Ҳар тўрт йилда бўладиган жаҳон футбол чемпионати ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди. 17 июнь куни Америка шаҳарларида футбол байрами бошланади. Бу кунни миллионлаб ишқибозлар сабрсизлик билан кутишаётир. Уни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар бир томоша қилишга илҳақ. Чунки, футбол ўз номи билан футбол-да!

Америка Қўшма Штатларида улкан мусобақага тайёргарлик ниҳоясига етказилган. Бир сўз билан айтганда, мамлакат халқи шу кунлар байрам кайфияти билан яшаяпти.

Маълумки, Америка терма командаси майдон эгаси сифатида саралаш учрашувларида иштирок этмади. Улар тўғридан-тўғри ҳал қилувчи ўйинларда қатнашади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, биз Америка футболини биламизми? Бу мамлакатда спортнинг ана шу тури ривож топганми? Очиғи, жавоб беришга қийналасан, киши. Негаки, биз океан ортидаги бу юрт футболини яхши билмаймиз. Сабаби, американликлар жаҳон майдонида ҳали ўзларини кўрсатишгани йўқ. Муҳими бу эмас. Муҳими, навбатдаги жаҳон чемпионатининг Америкада ўтаётганлигидир.

Шундай қилиб, жаҳоннинг энг кучли 24 командаси чемпионлик учун кураш олиб боради. Ким ғолиб бўлади? Мухлислару шарҳловчилар, мураббийлар ўзларича башорат қилишяпти. Яхшиси, бу масалада фол очмай турайлик. Ҳозирча бир нарса аниқ: ҳеч ким «улоқ»ни осонлинча бировга бермайди.

Кези келганда бир мулоҳазани айтиш жоиз, деб ўйлаймиз. Африка қитъасидан уч команда Америка сафарига йўл олди. Шулардан бири ўтган галги жаҳон чемпионатида шов-шув бўлган Камерун командасидир. Чиройли ўйин кўрсатиб ҳаммани лол этган камерунликлар бу йил қандай каромат кўрсатишади «Бўйсунмас шерлар» узоқ сафардан қуруқ қайтишмаса керак. Тағин билмадик.

● Жаҳон чемпионати ўйинлари қатнашчиларидан бири — Россия терма командаси ҳақида икки оғиз сўз. Павел Садирин ва унинг шогирдлари ўртасида бўлиб ўтган кўнгилсиз гаплардан кўпчиликнинг хабари бор. Анча тортишувлар бўлди. Россия ҳукумати ҳам бу масалага аралашди. Охири, бир тўхтамга келишди. «Ўтган гапга саловат, энди жаҳон чемпионати ўйинларига тайёргарлик кўрайлик». Бу гап ҳаммага маъқул келди. Бош мураббий жойида қолди.

Россияликлар улкан мусобақа арафасида бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказишди. Терма командининг «Пахтакор»нинг собиқ ўйинчиси Андрей Пятницкийни ҳам Россия терма командаси сафида Америка майдонларида кўрамиз, деган умиддамиз. Умуман, Андрей сўнгги вақтда майдонда яхши ҳаракат қилаётир.

Россия терма командаси биринчи учрашувни 20 июнь куни Бразилия футболчилари билан ўтказади. Ўйин Сан-Франциско шаҳрида бўлади. Қизиқ, бундан ўн икки йил илгари, яъни 1982 йили ҳам Испания чемпионатида собиқ СССР терма командаси ҳам Бразилия билан бир гуруҳга тушиб, биринчи ўйин ҳам шу икки команда ўртасида бўлган эди. Ўшанда бразилияликлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишганди.

● Машҳур футболчи Диего Марадона атрофида турли миш-мишлар юрибди. У Аргентина терма командаси таркиби ҳали эълон қилингани йўқ. Шунга қарамай Юран, Саленко, Онопко, Радченко каби тажрибали футболчиларни бемалол чемпионат ўйинларида қатнашади, дейишга асос бор.

● Италияликлар эса куни-кеча Америкага келишди. Сафар олдидан уларни ҳукумат аъзолари қабул қилиб, омад тилашди. Футболитальянларнинг жони-дили, 1982 йили улар мана-ман деган Бразилия ва Аргентинани доғда қолдириб, жаҳон чемпиони бўлганди. Ўша учрашувларда чиройли голлар урган Паоло Росси номи ҳамон мухлислар ёдида.

Жаҳон чемпионати ўйинларига қизиқиш ниҳоятда катта. Дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб журналистлар репортажлар олиб боришади. Бундан ташқари бошқа мамлакатлардаги минглаб ашаддий футбол ишқибозлари жаҳон чемпионати ўйинларини Америка стадионларида кўриш учун бу ерга келишяпти. Улар бир ой мазза қилиб футбол учрашувларини томоша қилишади.

● Республикамиз футбол ишқибозларини эса АҚШдаги улкан спорт байрамини телевизор орқали томоша қиламизми, деган савол ўйлантираётганди. Бу масала ижобий ҳал этилди. Ўзбекистонлик миллионлаб футбол ишқибозлари Америкада бўлиб ўтадиган энг қизиқарли ўйинларни телевизордан кўрадилар.

Равшан ШОДИЕВ.

«ТОЗАЛАШ» ТАДБИРИ

Пойтахтимизда республика ички ишлар вазирининг буйруғига асосан Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, Транспорт милицияси бошқармаси, ички ишлар қўшинлари ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида «Тозалаш» тадбири ўтмоқда. Бу тадбирни ўтказишдан бош мақсад — Тошкент шаҳрини жиноятчи унсурлардан, қонунбузар ва турли кўринишдаги тартиббузарлардан тозалаш ва уларни фош этишдан иборатдир.

Маълумотларга кўра, шаҳримизда содир этилаётган ва умумий рўйхатга олинаётган жиноятларнинг 30—40 фоизи республикамизга турли йўллар билан кириб келаётган нопок шахслар томонидан амалга оширилмоқда.

Осойишталик посбонлари бу тадбирда асосан қидирувдаги жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларни топиш, ўқотар ва совуқ қуролларни сақлаётган, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол ва олди-сотди қилаётган кимсаларни фош этишга катта эътибор қаратмоқдалар. Муқаддам судланган шахслар ва тарбияси оғир ўсмирлар ва спиртли ичимлик ичиб мунтазам равишда жанжал бўлиб турадиган хонадонларнинг ҳам текширилиши кўзда тутилган.

Мана, «Тозалаш» тадбирининг дастлабки кунларидаёқ, 300 дан ортиқ жиноят фош этилди. Қидирувдаги 20 дан зиёд жиноятчи қўлга олинди, бедарак йўқолган 15 фуқаро топилди, босқинчилик, талончилик, ўғирлик ва бошқа безорилик ҳоллари вақтида очилмоқда. Меҳмонхона, ётоқхона, кафе ва ресторанлар назорат остига олинган.

Миробод тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси қидирувида бўлган уч ҳамтовоқ, 1969 йил ва 1972 йилларда туғилган акаука Л. В., Л. А., ва 1972 йилда туғилган И. Е. қўлга олинди. Улар Ширин шаҳрида босқинчилик жинояти содир этиб яширинишган. «Тозалаш» тадбири иштирокчилари бу жиноий гуруҳни кечки соат ўн бир яримлар атрофида «Қўйлиқ-3» даҳасининг хонадонларидан бирига ўғирликка тушишганда далилий ашёлар билан ушлашди. Дастлабки тергов жараёнларида шу нарса маълум бўлдики, бу жиноий гуруҳ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бир неча шаҳар ва туманларида, жумладан, Москва, Ростов, Краснодар, Ширин, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Бектемир ва бошқа туманларда 27 марта қуролли босқинчилик қилишиб яшириниб юришган. Жиноятчилар милиция капитанлари К. Ғоипов, С. Богданов, Н. Қурбонов ва тезкор-қидирув гуруҳининг вақтида қўллаган чора-тадбирлари натижасида тутиб келтирилди.

«Тозалаш» тадбирида прокуратура, суд, солиқ инспекцияси, меҳнат фаоллари ва кенг жамоатчилик ўз ҳиссаларини қўшишаяпти.

Мирзаваҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1994 ЙИЛНИНГ 16 ИЮНИДА УРГАНЧ ШАҲРИДА

ҚЎЧМАС МУЛКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҚИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

УНДА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«ПИТНЯК» РЕСТОРАНИ

Дружба шаҳар Питняк қишлоғида жойлашган «Питняк» ресторани. 1986 йилда ишга туширилган. Фойдали майдони — 800 кв. м. Бино бир қаватли, силикат ва ғиштдан қурилган. 50 ўринга мўлжалланган. Ресторанда овқатланиш зали, ошхона ва бир қанча ёрдамчи хоналар мавжуд.

Бошланғич нархи — 143 млн. сўм-купон.

«ДЕҲҚОН БОЗОРИ» БИНОСИ

«Узкоопторг»га қарашли Хоразм кўчасида жойлашган «Деҳқон бозори» биноси. Пишиқ ғишт ва темир бетондан қурилган. Фойдали майдони — 1152 кв. м. 110 сотувчига мўлжалланган. Ёзги ва қишки савдо заллари, ёрдамчи хоналар ва омборхоналар мавжуд. Водопровод ва канализация марказий коммуникациялар тизимига уланган.

Бошланғич нархи — 224 млн. сўм-купон.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЙИ

Ўзбекистон жамоа хўжалигига қарашли Маиший хизмат кўрсатиш уйи. Фойдали майдони — 364 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган, 2 қаватли, усти темир бетон плита билан ёпилган. Маиший хизмат кўрсатиш уйининг 1-қаватида — этиқдўзлик, сартарошхона, қабулхона; 2-қаватида — 2 та тикувчилик зали ва маъмурият хоналари жойлашган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар: палос, трикотаж.

Бошланғич нархи — 90 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги, Сарапоён қишлоғи Корамози участкаси ҳудудида жойлашган. Фойдали майдони 491 кв. м. Бино бир қаватли пишиқ ғиштдан қурилган. Томи тунукали. Умумий хонаси — 2 та, номерли ювиниш хонаси — 4 та. Ҳаммомда чойхона зали, сартарошхона, алоҳида қозонхонаси ва омборхонаси мавжуд.

Бошланғич нархи — 85 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

«Хоразм» жамоа хўжалигига қарашли «Қирқ ёп» қишлоқ кенгашида жойлашган. Фойдали майдони — 900 кв. м. Бино бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, томи гумбаз ва темир бетон плита, шифер билан ёпилган. Ҳаммом 40 одамга мўлжалланган, умумий ювиниш хонаси — 2 та, номерли ювиниш хонаси — 8 та. Иссиқ ва совуқ сув ҳовузлари мавжуд. Водопровод марказий тизимга уланган. Машиналар туриши учун 1400 кв. м. жой мавжуд. Ҳаммом миллий услубда қурилган.

Бошланғич нархи — 70 млн. сўм-купон.

«ХОНҚА» МЕҲМОНХОНАСИ

Хонқа тумани коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли «Халқлар дўстлиги» кўчаси 28-уйда жойлашган «Хонқа» меҳмонхонаси. Фойдали майдони — 325,1 кв. м. Бино 2 қаватли, силикат ғиштдан қурилган, томи темир бетон плита билан бостирилган. 40 ўринга мўлжалланган. Водопровод ва оқава қувур мажмуаси (канализация) марказий коммуникациялар тизимига уланган Меҳмонхонанинг 1-қаватида — маъмурият хонаси, тикувчилик цехи, дўкон, суратхона, қаҳвахона, 2-қаватида — 24 та яшаш хонаси мавжуд.

Бошланғич нархи 220 млн. сўм-купон.

«ҲАММОМ № 2»

Охунбобоев номли жамоа хўжалигига қарашли Сарапоён қишлоғида жойлашган «Ҳаммом № 2» Фойдали майдони — 1117 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган. Ҳаммом 50 одамга мўлжалланган. Ҳаммомнинг умумий ювиниш хонаси 2 та. Номерли ювиниш хонаси — 5 та, саунаси 1 та. Чойхонаси, сартарошхонаси, қозонхонаси ва омборхонаси бор.

Бошланғич нархи — 100 млн. сўм-купон.

«ОСТОНА» ЧОЙХОНАСИ

Янгиариқ тумани пахта тозалаш заводига қарашли. Мустақиллик кўчасида жойлашган «Остона» чойхонаси. Фойдали майдони — 602 кв. м. Бино бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, томи темир плита билан бостирилган. Чойхона 50 ўринга мўлжалланган, овқатланиш зали, ошхона, кичик хона ва омборхоналар бор.

Бошланғич нархи — 98 млн. сўм-купон.

«ҲАММОМ № 2»

Янгиариқ туман коммунал хўжалик бирлашмасига қарашли Навоий кўчасида жойлашган «Ҳаммом № 2». Фойдали майдони — 600 кв. м. Бино томи темир бетон плитали. Ҳаммом 20 ўринга мўлжалланган, 2 та умумий ювиниш хонаси, 5 та номерли хонаси бор. Ҳаммом маҳаллий оқава қувурга уланган.

Бошланғич нархи — 170 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

Урганч туман коммунал хўжалиқ бошқармасига қарашли «Октябрь 50 йиллиги» кўчаси, 31-уйда жойлашган. «Ҳаммом № 2». 1968 йилда қурилган. Фойдали майдони — 418 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган. Томи темир бетон плита билан бостирилган ва шифер билан қоплаиган. Ҳаммом 30 ўринга мўлжалланган.

Бошланғич нархи — 60 млн. сўм-купон.

ҲАММОМ

Туман марказида. Шароф Рашидов кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Ҳаммом». 1990 йилда қурилиши бошланган. Ер майдонининг юзаси — 9000 кв. м.

Бошланғич нархи — 35 млн. сўм-купон.

«ЧОЙХОНА»

Қўшкўпир тумани ҳокимиятига қарашли Беруний кўчасида жойлашган, фойдали майдони — 800 кв. м. Ёзги чойхона 200 одамга мўлжалланган. Ҳовуз, фаввора, тандирхона, омборхона ва овқат пиширадиган хоналар мавжуд.

Бошланғич нархи — 39 млн. сўм-купон.

Объектлар билан танишмоқчи бўлганлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан республика кўчмас мулк биржасининг Хоразм филиалига мурожаат этишлари ёки қуйидаги телефонларга: 6-81-66, 6-73-49, 6-83-51 қўнғироқ қилишлари мумкин.

КЎЧМАС МУЛК «КИМ ОШДИ» САВДОСИ 16 ИЮНЬ СОАТ 11 ДА УРГАНЧ ШАҲАР, П, МАҲМУД КЎЧАСИ, 2-УЙДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ПОКИСТОН ДАВЛАТ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЮРОСИ

ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ

СИЗЛАРНИ ПОКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кўргазма 1994 йил 14-20 июнь кунлари Ўзэкспомарказда (собиқ ВДНХ) ўтказилади

Кўргазмада қуйидаги маҳсулотлар билан танишишингиз мумкин:

Саноат моллари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлари, пахта, жун, текстиль, полиэстер газмоллари, тайёр кийимлар, пайпоқ маҳсулотлари, сочиқ, чармдан қилинган буюмлар, оёқ кийим, фармацевтика, спорт буюмлари, жаррохлик ускуналари, косметика, кимёвий озиқалари, тамаки ва сигареталар, гуруч озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғочдан ясалган уй жиҳозлари, халқ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари.

Маълумот учун телефонлар: 771442, 771003, 778272

САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

АЗИЗЛАР!

Сизларни 15-июнда ва 27-июнда соат 13-00 да шифокор МАЛИКА АЗИМОВАнинг «Саломатлик маркази» фирмасида ўтказадиган даволаш ва соғломлаштириш муолажаларига таклиф қиламиз.

Даволаш машғулотлари 10 кун мобайнида кунига 2 соатдан олиб борилади. 8 кун ичида сиз асаб бузилишидан келиб чиққан ички хасталиклар (ошқозон, ичак, жигар, буйрак хасталиклари, бронхит, бронхлар астмаси), невроз, остеохондроз, қон босими ошиши ва жинсий ожизлик дардларидан шифо топасиз. Ҳеч қандай дори ишлатмасдан хасталиклардан халос бўлиб, соғлом турмуш тарзига ўрганасиз.

Ушбу даволаш машғулотларига ёш болалар, 70 ёшдан ўтган кексалар, сил, онкологик, ва руҳий хасталикларига дучор бўлган дардмонлар қабул қилинмайди.

Бизнинг манзилгоҳимиз:

«Правда Востока» кўчаси, 6-уй (қайта қурилаётган Свердлов концерт зали ёнида).
тел: 33-49-20, 33-80-00.

«Саломатлик маркази» фирмаси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент алоқа коллежи маъмурияти Тошкент алоқа электротехника институтининг собиқ проректори

Анвар Исломович ИСЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти ректорати, Саноат ва фуқаро қурилиши факультети ҳамда «Саноат, фуқаро ва қишлоқ қурилиши» кафедраси жамоалари катта ўқитувчи, факультет касаба уюшмасининг раиси Б. Т. Хушназаровга ўғли

ДАВРОНЖОНнинг

бевақт ўлими муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

«Муштум» журнали жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Аббос МУҲИДДИНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент давлат юридик институти ректорати ҳамда жамоат ташкилотлари «Жиноят ҳуқуқи» кафедраси доценти

Ф. МУҲИТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Жиззахдаги 4 хонали квартирани Тошкентдаги квартирага алмаштираман ёки сотаман.

Телефон: 54-25-44.

* * *

«Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тугатилди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Yamaha DX 21, PSR-400, PSR-510

оркестраторлари сотилади

телефон: 77-57-26

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршараф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» ҳиёбони учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-06-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.00.
Г—939 83501 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.